БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 62 (1066)
25 МАРТ СЕШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

1958 йилдан бошлаб янги тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини колхозларга, асосан, нақд пулга ёки колхознинг иқтисодий ҳолатига қараб, турли муддатлар билан кредитга сотиш зарур. Колхозларга сотиладиган янги қишлоқ хўжалик машиналарига нархлар белгилаш вақтида бу нархларни машиналар таннархидан бир мунча ошиғроқ қилиб белгилаш керак. Саноатни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида унинг жамғармалар ҳосил қилиши учун шундай қилиш зарур, чунки социалистик индустрия бутун халқ хўжалиги асосларининг асосидир.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қиладиган доклади тезисларидан).

Пахта ҳосилини кўпайтириш учун ҳамма резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланайлик

Пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши кейинги йилларда пахтакор республикалар эришган жуда катта муваффақиятларни кўрсатиб ўтиш билан бирга совет пахтачилигини янада тараққий эттириш йўлларини белгилади, пахта етиштиришдаги мавжуд камчиликларни ва ҳосилни кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган муҳим резервларни очиб ташлади. Кенгаш қатнашчиларининг асосий эътибори кам ҳосил олаётган қолоқ колхоз ва совхозларни тажрибали, қобилиятли кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳисобига илғорлар даражасига кўтаришга, барча колхоз ва совхозларда ҳосилдорликни ошириш ҳамда экин майдонларини кенгайтиришга, пахтачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган барча ишларни тезроқ кенг механизациялаштиришга, пахта териш машиналаридан фойдаланишни яхшилашга, пахтачилик учун кўл меҳнати сарфлашни максимал камайтириш талабларига мос келадиган янги машиналар яратишга, фанни ривожлантиришга ва селекция-уруғчилик ишларини яхши йўлга қўйишга қаратилди.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Козоғистон ва Арманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу мажбуриятга мувофиқ Ўзбекистон ССР бу йил мамлакатга камида уч миллион тонна, Тошкент области эса 475 минг тонна пахта бериши керак. Кремлда қабул қилинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан моҳирлик билан самарали фойдаланишга боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг, Бутуниттифоқ пахтакорлар кенгашининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилган Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VII пленуми, шунингдек якинда бўлиб ўтган Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши ҳам пахта етиштиришни кўпайтиришнинг мавжуд бўлган муҳим резервларидан тўла фойдаланиш, ҳосилни ошириш учун ҳамма куч ва моддий-техника воситаларини ишга солиш масалаларига алоҳида эътибор берди. Пленумда ва партия активининг йиғилишида пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш программасини амалга ошириш йўллари, ҳосилни кўпайтиришнинг муҳим резервлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан бири — ҳам ҳосилли колхоз ва совхозларни, бригада ва звеноларни ўрта ва илғор колхозлар ва совхозлар, бригада ва звенолар даражасига етказиб олишдан иборатдир. Ўтган йили айрим район партия, совет ташкилотлари ва колхоз хўжалик органлари, бригада ва звеноларни илғорлар даражасига кўтариш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриш, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш керак. Токи, қолоқ ҳисобланган ҳамма колхоз ва совхозлар 1958 йилги давлат планини сўзсиз бажарсинлар ва гектаридан 20 центнердан кам ҳосил олмасинлар. Агар биз ана шу хўжаликларда ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ўртача 20-22 центнерга етказсак областимиз бўйича қўшимча равишда 45-50 минг тонна пахта олиш имконияти туғилади.

Пахта майдонини кенгайтириш ҳам — пахта ҳосилини кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Суғориладиган ерларни янада кенгайтирмасдан, ундан тўла фойдаланмасдан туриб пахтачиликни юксалтириш юзасидан қўйилган катта вазифаларни ҳал қилиш мумкин эмас. Бу йил пахта майдони республикамизда камида 50 минг гектар, Тошкент областида эса 10 минг гектар кенгайтирилиши керак. Бироқ бу топшириқ қониқарсиз бажарилмоқда. Мирзачўл группасидаги районлар, Октябрь ва Пискент районлари янгидан суғориладиган ерларни ўзлаштиришда айниқса кейинда қолмоқдалар. Область сув хўжалиги бошқармаси, «Главголодностепстрой» ҳам бу соҳада қониқарсиз ишламоқда. Яқин кунлар ичида янги ва партов ерлар ўзлаштирилиши назарда тутилган ҳар бир хўжаликдаги ишнинг аҳволини чуқур текшириб чиқиш, пахта майдонини бу йил 10 минг гектарга кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VII пленуми қўйган топшириқнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — район партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир.

Пахта ҳосилини кўпайтиришнинг яна бир муҳим резерви — пахтачиликка комплекс механизацияни тезроқ жорий қилиш ва даставвал ҳамма жойда чигитни режа сони билан квадрат-уялаб экишга ўтиш ва ғўзага механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлов беришдир. Бу йил областимизда пахта майдонининг ярмига чигит ана шу усул билан экилади, 170 минг гектар ердаги ғўзага механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлов берилади.

Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг механиги ўртоқ Тюпко ўтган йили муайян машиналар комплексидан фойдаланиб, ўзига бириктилган 25 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 28,3 центнердан пахта етиштирди. Комплекс механизация жорий қилинганлиги туфайли бир гектар ғўзани ишлашга 24,5 иш куни, 1 центнер пахта етиштиришга эса 0,9 иш куни сарфланди.

Пахта етиштиришнинг янги прогрессив усулларини — квадрат-уялаб чигит экишни ва ғўзани механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлашни кенг жорий қилиш, комплекс механизацияни амалга ошириш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажариш шубҳасиз ҳосилни кўпайтиришга ёрдам беради.

Бу йил камида 475 минг тонна пахта етиштиришдан иборат буюк вазифани муваффақиятли бажариш учун кўкламги экишни ўз вақтида юксак агротехника қоидаларига мувофиқ сифатли ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли чигит экишга тайёргарликни яна бир марта пухта текшириб кўриш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, экишга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўриб киришиш керак.

Пахта ҳосилини кўпайтириш учун ҳамма резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланайлик, бу йил мамлакатга янада кўпроқ пахта етказиб бериш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдирайлик!

Фан, техника, адабиёт ва санъат соҳаларидаги энг муҳим ишлар учун республика мукофотлари

АШХОБОД, 22 март. (ТАСС). Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Туркманистон ССР Министрлар Совети фан, техника, адабиёт ва санъат соҳаларида жамоатчиликка кенг равишда манзур бўлган энг муҳим ишлар учун республика мукофотлари таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ҳар йил ҳаммаси бўлиб ўн тўртта республика мукофотлари берилдиган бўлди.

Республика мукофотлари ҳар йил Улуғ Октябрнинг йиллик байрами кунларида берилади.

Республика мукофотлари комитети тузилди.

ЕР ИККИНЧИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи сунъий йўлдош 24 март эрталаб соат олтига қадар Ер атрофини 2038 марта айланиб чиқди. Ҳаво очиқ бўлганда иккинчи йўлдошни кўёш ботгандан кейин ҳам 52 градусдан 65 градусигача кўриш мумкин бўлади. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги трактор-далачилик бригадаси ҳамда трактор-далачилик бригадалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги вақтинча Низомни тасдиқлади.

Трактор-далачилик бригадаси ҳамда бу бригадаларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомнинг асосий принциплари қуйида баён қилинади:

1957 йилда Сурхондарё область Шўрчи районидаги Калинин номли, Фарғона область Горский районидаги «Париж Коммунаси» колхозларида, шунингдек Жанубий Қозоғистон областининг «Пахтаорол» совхозида ва бошқа айрим хўжаликларда трактор - далачилик бригадалари ташкил этиш тажрибаси шуни кўрсатдики, ишларни ташкил этишнинг ишлаб чиқариш процессига бир киши раҳбарлик қиладиган бу янги формаси механизация воситаларидан тўлароқ фойдаланиш асосида пахта етиштиришни кўпайтириш, меҳнат сарфларини ва маҳсулот таннархини анча камайтирган ҳолда ҳосилдорликни ошириш имконини беради.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг мавжуд шароитига (ишчи кучлари билан таъминланиши, участкаларининг катталиги ва жойланиши, суғориш шароитлари ва шу кабиларга) қараб, трактор-далачилик бригадаларининг катталиги ҳар хил бўлиши мумкин, лекин трактор-далачилик бригадасига доқаал битта чопиқ тракторини биркитиб қўйиш учун у 100 — 150 гектар пахта майдонига эга бўлиши керак. Суғориш участкалари катта бўлган ва меҳнатга қобилиятли ҳар бир кишига экинларнинг нагрузкаси кўп тўғри келадиган жуда йирик колхоз ва совхозларда 200 — 300 гектар пахта майдонига эга бўлган трактор-далачилик бригадалари тузилиши мумкин. Маҳаллий конкрет шароитларга қараб, бир канча ҳолларда трактор-далачилик бригадаси 100 гектардан ҳам кам пахта майдонига эга бўлиши мумкин.

Трактор-далачилик бригадаларида ҳар 40-50 гектар пахта майдонига биттадан звено ҳамда беда, маккажўхори ва бошқа экинлар бўйича алоҳида звенолар тузилиши керак.

Трактор-далачилик бригадаларининг иши механизмлардан тўла фойдаланиш ва меҳнат сарфларини ҳар тарафлама камайтириш асосида қурилишини назарда тутиб, бундай бригаталарда меҳнатга қобилиятли ҳар бир кишининг нагрузкаси камида 2-3 гектар бўлиши лозим.

Трактор-далачилик бригадасига агротехника ва механизацияни яхши биладиган ҳамда колхозчилар, совхоз ишчилари ўртасида обрўга эга бўлган трактор бригадасининг бригадири ёки қишлоқ хўжалик мутахассиси бошчилик қилмоғи керак.

Бригада бошлиғига ёрдамчи берилади. Агроном бошчилик қилаётган трактор-далачилик бригадасида механизаторлар орасидан, механик бошчилик қилаётган бригадата эса далачилик бригадаларининг малакали бригадирлари орасидан ёрдамчи тайинлаб қўйилади.

120-150 гектар пахта майдонига эга бўлган трактор-далачилик бригадасига битта учётчик, 150 гектардан ортиқ пахта майдонига эга бўлган бригадага иккита учётчик берилади. Бу учётчиклар бригададаги барча ишларни, шунингдек нефть маҳсулотлари, ғуғгликлар, ўғитлар ва шу каби материаллар сарфланишини ҳисобга олиб борадилар.

Башарти трактор-далачилик бригадаси 100 гектардан кам бўлган пахта майдонига хизмат қилса, бу ҳолда бригаданинг катта-кичиклиги ва конкрет шароитларига қараб, ана шу бригаданинг бошлиғи ё ҳамма ишлардан озод қилиб қўйилади, ё бўлмаса бригадирлик қилиш билан бирга тракторда ҳам ишлаб, масъулиятлироқ операцияларни ўзи бажаради. Бригадир ишлайдиган трактордаги бошқа ишларни сменадош тракторчи бажаради. Зарур бўлгач тақирда бундай бригадага учётчик белгилаш ҳам мумкин.

Ҳамма звеноларга мумкин қадар, шу звенонинг участкасига биркитилган чопиқ тракторининг тракторчиси бошлиқ қилиб тайинланади.

Машиналарга хизмат кўрсатиш учун ҳар бир трактор-далачилик бригадасига прицепчиклар ажратилади. Шундан сўнг тажрибалироқ, сувчилик ишини биладиган совхоз ишчилари ва колхозчилардан сувчиларнинг доимий группаси тузилади. Сувчилардан энг яхши, тажрибалиси бош сувчи қилиб тайинланиб, у бевосита ишдан озод қилиб қўйилади. Бош сувчи барча сувчиларнинг ишини ташкил этади ва суғоришнинг ўтказилиши устидан доимо контроллик қилиб боради.

Бош сувчи сувчиларнинг ишига раҳбарлик қилганлиги учун ўзи бажарган ишга тўғридан-тўғри ҳақ олишдан ташқари звено бошлиқлари учун белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ олади.

Бригаданинг шахсий состави доимий бўлиб, йил давомида қоида тариқасида унинг составида ўзгаришлар қилишга йўл қўйилмаслиги керак. Ишларни тўла механизациялаштириш вазифаларига амал қилиб, трактор-далачилик бригадасига зарур бўлган барча ишлаб чиқариш воситалари ажратиб берилади.

Йил бошида трактор-далачилик бригадасига йиллик ишлаб чиқариш топшириғи берилиб, бу топшириқда қуйидагилар кўзда тутилади: Бригаданинг шахсий состави ва звеноларга бўлиниши; экин майдонлари, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили бўйича топшириқ; давлатга маҳсулот топшириш топшириғи; маҳаллий ва минерал ўғитлар жамғариш ва ундан фойдаланиш плани; тракторда, от ва қўлда қилинадиган ишлар, экинларга сарфланадиган меҳнат плани; ҳар бир трактор бўйича юмшоқ ер ҳайдаш гектарига айлантириб ҳисобланган трактор ишларининг жами плани; капитал, жорий ремонтлар ва мураккаб техника қаровларининг ҳажми; иш турлари ва даврлари ва даврлари бўйича сарфланадиган ёнилғи ва мойлаш материалларининг йиллик лимити; ремонтта ва техника қаровига сарфланадиган пул маблағлари ва эҳтиёт қисмларининг (сўм ҳисобида) йиллик лимити.

Трактор-далачилик бригадасига бериладиган ишлаб чиқариш топшириғида бир гектар ерга ва бир центнер маҳсулотга бўладиган материал-пул харажатларининг лимити ҳам сарфларнинг тури бўйича сўм ҳисобида кўрсатилади ҳамда маҳсулот таннархининг калькуляцияси ишлаб берилади.

Ҳар бир иш мавсуми (экиш, парвариш, ҳосилни йиғиб-терib олиш, кузги ишлар) бошланиши олдидан бригадага мавсум топшириғи берилиб, бу топшириқда тракторда ҳамда от ва қўлда бажариладиган ишларнинг ҳажми, агротехника ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Трактор-далачилик бригадасида уруғлардан, ўғитлардан, ёнилғи ва мойлаш материалларидан, запас қисмлардан, ремонт материаллари ва бошқа материаллардан фойдаланиш, шунингдек қилинган ишлар ва меҳнат сарфлари ҳисобга олиб борилади.

Тракторда, от-уловда ва қўлда бажариладиган ишлар белгиланган иш нормаси ва баҳоси асосида амалга оширилади ҳамда ҳар бир механизатор, колхозчи, совхоз ишчисининг бажарган иш миқдори ҳисобга олиб борилади.

Моддий буюмларни сарфлаш ва меҳнат сарфлари мавжуд формалар бўйича ҳисобга олинади.

Трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи бригаданинг ҳамма ишлари учун, меҳнат ва пул -материал сарфларини максимал камайтирган ва таннархини озайтирган ҳолда пахта ва бошқа экинлар маҳсулотлари етиштириш планининг бажарилиши учун, тракторлардан ва қишлоқ хўжалик машиналаридан тўғри фойдаланиш ҳамда уларни яхши техника ҳолатида асраш учун, ишлаб чиқариш топшириғининг барча кўрсаткичлари бажарилиши учун жавобгардир.

Трактор-далачилик бригадалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби — ҳосилдорликни ошириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини кўпайтириш, маҳсулот етиштиришга меҳнат ва пул-материал воситаларини тежаб сарфлаш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга уларни ҳар тарафлама рағбатлантиришни кўзда тутади.

Колхозлардаги трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи асосий ҳақини бригада етиштираётган маҳсулотнинг ҳажмига қараб олади. У етиштирилган ҳосилнинг ҳар бир центнери ёки тоннаси учун маълум миқдорда меҳнат кунлари олади. Бундан ташқари трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи трактор бригадасининг бошлиғига тегишли иш ҳақининг 50 процентигача миқдорда ҳақни асосий ҳақ тариқасида олади.

Етиштирилган ҳосилнинг тоннаси учун бериладиган меҳнат куни миқдори ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет шароитларни ҳисобга олиб белгиланади. Шу билан бирга трактор-далачилик бригадаси бошлиғининг бир йиллик иш ҳақи трактор бригадасининг бошлиғи сифатида унга бериладиган ҳақнинг улушини ҳам қўшганда, шу трактор-далачилик бригадасининг катта-кичиклигига қараб, далачилик бригадаси бошлиғи оладиган ҳақдан 10-30 процент ошиқ бўлиши керак.

Трактор-далачилик бригадаси бошлиғининг ёрдамчиси меҳнатига тўланадиган асосий ҳақ бригада бошлиғи оладиган йиллик иш ҳақининг 70-80 проценти, бригада учётчигига бериладиган асосий ҳақ эса бригада бошлиғи оладиган йиллик иш ҳақининг 55-65 проценти миқдорида белгиланади.

Трактор-далачилик бригадасидаги звенога бошчилик қилган тракторчига у бажарган трактор ишларининг ҳажмига қараб ҳақ тўланади, звенога раҳбарлик қилгани учун ҳар ойда 15-25 меҳнат куни қўшиб берилади.

Бригада аъзоларининг меҳнатига асосий ҳақ мавжуд нормалар ва баҳолар бўйича улар бажарган ишнинг сони ва сифатига қараб меҳнат кунлари ҳисобида тўланади.

Йил давомида колхозчиларга ва тракторчиларга меҳнат кунлари пландаги қимматининг 70-80 проценти миқдорида гарантияланган ҳақ берилади, трактор-далачилик бригадасининг бошлиғига, ёрдамчисига ва учётчикларига эса улар учун белгиланган ҳақ тўлаш миқдорига ҳамда меҳнат кунларининг пландаги қимматига қараб 75 процент миқдорида аванс бериб борилади.

Ҳосилдорлик плани тўла ва ошириб бажарилган тақдирда трактор-далачилик бригадаси аъзоларига бригада, звено олган пахта ялпи маҳсулоти қимматининг 15 процентигача миқдорида уларни рағбатлантириш учун пул билан қўшимча ҳақ тўлаш белгиланади. Қўшимча пул ҳақи бригада, звено аъзолари йил бўйи ишлаган меҳнат кунларига қараб мутаносиб равишда тақсимланади.

Звено бошлиғи бўлган тракторчига қўшимча ҳақ колхозчилар қатори берилади. Трактор-далачилик бригадасининг бошлиғига бригаданинг меҳнатга қобилиятли бир аъзоси улушига ўртача тўғри келадиган қўшимча ҳақнинг миқдорига нисбатан икки баравар қўшимча пул ҳақи тўланади.

Бригада бошлиғининг ёрдамчиси ва учётчикка улар бригада бошлиғи оладиган асосий ҳақнинг неча процента миқдорида асосий ҳақ олса, бригада бошлиғи оладиган қўшимча ҳақнинг шунча процента миқдорида қўшимча ҳақ ҳисоблаб ёзилади.

Ҳосилдорлик планини бажариш билан бирга маҳсулот таннархини камайтиришга эришган трактор-далачилик бригадаларини меҳнат ва пул-материал воситаларини тежаб сарфлаганликлари учун рағбатлантириш зарур.

Башарти трактор-далачилик бригадасида бир центнер маҳсулотга меҳнат сарфлари шу бригада бўйича планлаштирилганидан ошиб кетмаса, у ҳолда бригадада маҳсулот единицаси етиштиришга сарфланган меҳнат кунларининг умумий қиммати билан ўрта ҳисобда колхоз бўйича маҳсулот единицаси етиштиришга сарфлаш кўзда тутилган меҳнат кунларининг умумий қиммати ўртасидаги тафовутнинг 50 процентигача миқдорида мукофот берилади, шунингдек тежаб қолинган пул-материал маблағларининг 50 проценти бригадага берилади.

Бригада олган мукофотлар раҳбарларни ҳам қўшиб, бригада аъзолари ўртасида уларнинг ҳар бири меҳнат кунига қатиян мувофиқ равишда тақсимланади.

Совхозларда трактор-далачилик бригадаси бўйича иш ҳақи йиллик фонди бригада берадиган ялпи маҳсулотга ҳамда совхознинг молия-ишлаб чиқариш плани бўйича бир центнер маҳсулотга бериш кўзда тутилган иш ҳақи миқдорига қараб белгиланади. Трактор- далачилик бригадасининг бошлиғи йил давомида далачилик бригадасининг бошлиғи оладиган ставкага қараб маош олади, бунинг устига бригададаги ҳар бир трактор-чининг ойлик ўртача маошининг 50 процентигача миқдорда қўшимча маош берилади.

Бригада бошлиғининг ёрдамчисига бригада бошлиғи олаётган маошнинг 70-80 проценти миқдорида маош тўланади.

Бригада ишчилари, шу жумладан тракторчилар ўзлари бажарган ишларнинг сони ва сифатига қараб мавжуд нормалар ва баҳолар бўйича ҳақ оладилар.

Ҳақиқатда олинган ҳосилга қараб, йил охирида узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Маҳсулот топшириш плани бажарилган тақдирда трактор-далачилик бригадаси учун белгиланган йиллик иш ҳақи фонди билан йил давомида аванс тариқасида ҳақиқатда берилган иш ҳақи ўртасидаги тафовутнинг 85 проценти бригада раҳбарлари ва тракторчиларини ҳам қўшиб, бригаданинг барча ишчилари ўртасида улар йил давомида олган маошга мутаносиб равишда тақсимланади.

Бригада бўйича пландан ташқари олинган маҳсулот қимматининг 50 проценти, шунингдек бригада бўйича тежаб қолинган моддий ресурслар қимматининг ярми ҳам узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш вақтида ана шу тартибда тақсимланади.

Трактор-далачилик бригадаларининг ишчиларига давлатга мўл ҳосил топширганлик учун устама мукофот умумий асосларда берилади.

Грузин санъати ва адабиёти декадаси

Совет Грузиясининг опера ва драма санъати юксак маҳоратга эгадир. Буни грузин санъати ва адабиёти декадасининг 23 мартда қўйилган спектаклари аққол кўрсатди. Шу спектакларнинг учтаси классик репертуарнинг энг қийин асарларидан иборат бўлди. Бу асарларни саҳнага қўйиш режиссёрлар ва артистлардан даврни чуқур билишни, юксак маҳоратни, кенг ҳулосалар чиқара олиш қобилиятини талаб қилади.

Чайковскийнинг «Орлеан қизи» операси улуғ рус композиторининг ажойиб асарларидан биридир. Бу операнинг қаҳрамонлик темаси, ажойиб музикаси З. Палиашвили номидаги Тбилиси опера ва балет театри коллективининг эътиборини жалб қилди. Чайковский грузин халқига яхши таниш ва яқин композиторидир. Унинг классик мероси ҳозирги вақтда Тбилиси театри репертуарида мустаҳкам ўрин олган. Бу театр саҳнасида «Евгений Онегин», «Пиковая дама», «Мазепа», «Иоланта», «Черевички» опералари қўйилган.

З. Палиашвили номидаги театр ўзининг фақат яхши спектакли билангина эмас, шу билан бирга, Москва саҳнасида ярим асрдан бери қўйилмай келаётган операни рус тилида кўрсатганлиги билан ҳам москваликларни қувонтирди.

Элликдан ортиқ операни саҳналаштирган тажрибали режиссёр, республиканинг хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Квалиашвили XIV—XV асрлардаги Франциялаги оддий кишиларнинг ватанпарварлигини бўрттириб кўрсатишга интилган. Ўша вақтда француз халқи чет эл босқинчиларига қарши юз йиллик озодлик уруши олиб борган эди.

Иванна партиясини республикада хизмат кўрсатган артист Л. Гоциридзе ижро қилди. Катта саҳна маҳоратига, чиройлик овозга эга бўлган бу артист қаҳрамон қиз образини чуқур тушуниб, сидқидил ва самимият билан талқин қилди. Спектаклда турли бўғинларга мансуб бўлган артистлар қатнашди.

СССР Большой театрининг тамоша залини лиқ тўлдирган тамошабинлар ижрочиларни қизғин олқишладилар.

Грузин саҳна усталарининг иккинчи классик спектакли — софоклнинг «Эдип шоҳ» трагедияси 23 мартда Руставели номидаги театр артистлари томонидан Вахтангов номидаги театр саҳнасида икки марта ўйнали.

Тамошабинлар А. С. Грибоедов номидаги рус драма театри артистларининг ижросида иккита спектакль кўрдилар. Бу театр Н. Лесковнинг «Исрофгар» пьесасини ва В. Дараселиннинг «Киквидзе» пьесасини кўрсатди.

К. Маржанишвили номидаги грузин театри М. Бараташвилининг «Марине» деган қувноқ лирик комедиясини биринчи бўлиб саҳналаштирди. Ҳозир бу комедия турли шаҳарларда муваффақият билан ўйналмоқда, кино тамошабинларига бу комедия сюжети асосида яратилган «Ниначи» фильми жуда манзур бўлди.

Грузин санъати ва адабиёти декадаси бошлангандан бери «Марине» спектакли 23 мартда биринчи марта кўрсатилли.

Хизмат кўрсатган халқ ашула ва рақс ансамблининг Чайковский номидаги залда берган концертида ансамбль артистлари грузин халқининг асл оҳангларини зўр талант билан ижро этдилар. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Цагарейшвили раҳбарлигидаги ансамбль қимматбаҳо халқ ижодини тўплаб, нодир халқ қўшиқларининг ҳамма вариантларини аввалаб саклаб келмоқда. Коллектив репертуарида Кахетия, Карталиния, Гурия, Мегрелия, Имеретия, Сванетия ва республиканинг бошқа жойларида яратилган икки юзга яқин халқ қўшиқлари бор. Ансамбль ўз репертуарига деҳқон қўшиқларидан ташқари шаҳар фольклорининг намуналарини ҳам киритган.

Грузин санъати ва адабиёти декадаси муносабати билан республика районларидан халқ қўшиқларини энг яхши ижро этувчилар танлаб олинди. Булар орасида Абхазия, Гурия халқ ашулачилари ҳам бор. Ҳозир улар Москвадаги концертларда қатнашмоқдалар.

Ансамбль Р. Лагидзенинг «Ватан чарлайди» ва «Ленин ҳақида қўшиқ» деган ашулаларини, В. Цагарейшвилининг «Партия тўғрисида қўшиқ» деган асарини зўр куч билан тантанавор ижро этди. Бошқа миллий асарлар, «Рябина» деган рус рақс манзараси ҳамда «Вечерний звон» деган рус қўшиғи гоят катта муваффақият қозонди.

Спектакларда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Д. Чубинидзе, Грузия ССР Министрлар Советининг раиси Г. Д. Жавахишвили ҳозир бўлдилар.

В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасининг кенг залларидан бирида 23 мартда грузин китоблари, графикаси ва плакатлари виставкаси очилди. Бу виставка Грузиянинг қадимий ва рангбаранг маданияти билан таништиради.

Ойна остидаги витриналарга — V-XII асрларнинг қўл ёзма ёдгорликлари, биринчи босма китоблар қўйилган. Грузиянинг 1801 йилда Россияга қўшилишини ҳозирлаган ва 1783 йилда ёзилган «Дўстлик аҳдномаси»нинг фотокопияси ҳаммани гоят қизиқтирмоқда. Шундан бери грузин халқи ўз тақдирини рус халқи билан абадий боғлади.

Виставканинг махсус бўлими Шота Руставелига ва унинг грузин адабиётининг асл дурдонаси бўлган «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» номли гениал поэмасига бағишланган. Шу поэманинг биринчи нашридан тортиб то ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўп тилларида босилиб чиққан жуда кўп нашрларигача бўлган хилма-хил нусхалари кўргазмага қўйилган.

Виставка грузин адабиёти классикларининг ва ҳозирги ёзувчиларининг ижоди билан таништиради. Совет ҳокимияти йиллари давомида Грузияда 43 минг китоб 188 миллион нусхадан кўпроқ тиражда босилиб чиқди. Вақтли матбуотнинг, ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг ўсиши, турли билим соҳаларидаги китоблар виставкада кенг равишда кўрсатилган.

Грузия маданиятининг тараққиётини кўрсатувчи виставка ҳаммани гоят қизиқтирмоқда. Виставкани фақат москваликларгина эмас, шу билан бирга, пойтахтнинг жуда кўп меҳмонлари ҳам келиб кўрдилар.

(ТАСС).

Осиё ва Африка мамлакатларининг Қоҳирада бўлиб ўтган бирдамлик конференцияси якунларига бағишланган йиғилиши

24 мартда Тошкентда, Ҳамза номли ўзбек академик драма театри биносида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг Қоҳира конференцияси якунларига бағишланган умумшаҳар йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти томонидан чақирилган эди. Йиғилишда республика пойтахти саноат корхоналари коллективларининг вакиллари, фан, маданият ва санъат арбоблари, олий ўқув юртларининг студентлари қатнашди.

Йиғилишни чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ш. К. Ширинбоев қисқа кириш сўзи билан очди. Сўнгра Қоҳира конференциясидаги совет делегациясининг аъзоси, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев «Осиё ва Африка халқлари ҳаётида муҳим воқеа» деган темада доклад қилди.

Шунингдек йиғилишда Қоҳира конференциясидаги совет делегациясининг аъзоси, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг редактори шоира Зулфия, «Таштекстильмаш» заводининг формовщиги М. П. Барков, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети Шарқ институти тўртинчи курсининг студенткаси Ю. Охунжонова сўзга чиқиб гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги доимий Комитети номига якдиллик билан телеграмма қабул қилдилар.

Тантанали қисмдан кейин Ҳамза номли театр артистлари томонидан «Жазоир, менинг Ватаним!» спектакли қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

Касаба союзларига партия раҳбарлигини кучайтирайлик

Областдаги корхоналарда, қурилишларда, муассасаларда, касаба союз группоргларининг, фабрика-завод ва маҳаллий комитетларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, шунингдек соҳалар бўйича область касаба союз конференциялари бўлиб ўтди.

Касаба союз органларида бу йил бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларидан олдин мамлакатимиз ҳаётида бир қатор ажойиб воқеалар юз берди. Коммунистик партиянинг ташаббуси билан халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилди ва бунлар муваффақият билан ишламоқдалар. Касаба союзларига раҳбарлик қилиш тартиби ўзгарди. Уларнинг ҳуқуқлари кўп даражада оширилди. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумидан кейин айниқса касаба союзларининг обрўси ва ишлаб чиқаришга таъсири кучайди. Касаба союз советлари ташкил қилиниши, корхоналар, қурилиш ва муассасалардаги касаба союз комитетларининг ҳуқуқи кенгайганлиги ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ҳамма жойда ишни қайта қуриш, касаба союз органларининг фаолиятини яхшилаш белгиси остида ўтишига имкон берди.

Тошкент областида қарийб 450 минг кишини бирлаштирувчи 3664 қуйи касаба союз ташкилотлари мавжуд. Уларнинг жуда кўпчилигида ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин ўтди. касаба союз аъзолари касаба союз комитетларининг фаолиятидаги камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар, ишни яхши йўлга қўйишга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва конференцияларда кўтарилган масалалар ва унда чиқиб сўзлаган ҳар бир кишининг нутқидан мамлакат олдидаги вазифаларнинг қанчалик буюк эканлигини ҳис қилиш, давлат манфаатларини, ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ҳақида ғамхўрлик қилиш, касаба союзларининг ташаббускор ва принципиал бўлиши ҳақида қайғириш баралла сезилиб турибди.

Чирчиқ шаҳрининг химиклари ўтган йилни меҳнатда катта муваффақиятларга эришган ҳолда якунладилар. Шунга қарамай комбинат касаба союз конференциясида делегатлар завод касаба союз комитети ва корхона раҳбарларини жиддий танқид қилдилар ва уларнинг олдига катта талаблар қўйдилар. Конференцияда уқтириб кўрсатилганидек, комбинат капитал қурилиш бошқармаси (бошлиғи Ўртоқ Радзинский) генератор цехи ва бошқа объектларни фойдаланишга топширишни четга силтаб келмоқда. Химиклар Маданият уйи қурилиши ниҳоятда чўзиб юборилди. Уй-жой қурилиши плани қониқарсиз бажарилмоқда. Биринчи цехда компрессорларни совутиш учун вентиляциялар ўрнатилиши керак. Аммо, бу иш икки йилдан буён амалга оширилмаётир.

Пахтачилик бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси (ГСКБ) касаба союз конференциясининг қатнашчилари конструкторлик бюросининг коллективи шу вақтга қадар яхши ишлайдиган пахта териш машинаси яратиш вазифасини уддалай олмаганлиги муносабати билан жиддий ташвишланганликларини изоҳ қилдилар.

Кўмир саноати ишчилари касаба союзининг область конференцияси делегатлари Братерский, Пискорский ва бошқа ўртоқлар кончилар район касаба союз комитети ва республика комитетининг фаолиятидаги камчиликларни очиб ташладилар. Улар касаба союз район комитети ва республика комитети илғор иш методларини оммалаштириш билан мутлақо шуғулланмаётганликларини кўрсатдилар.

Оҳангарон, Янгийўл ва Мирзачўл сут-ёғ заводларида ишлаб чиқариш йиғилишлари умуман ўтказилмайди. Областдаги кўпчилик корхоналарда, МТС ва совхозларда, жумладан 2-Оққўрғон МТСида, 2-ва 6-пиво заводларида, Тошкент асбобсозлик заводида ва бошқа корхона ва муассасаларда ишлаб чиқариш йиғилишлари ўрнига маъмурият томонидан чақириладиган планеркалар ўтказиш билан қаноатланилади. Бу нормал бўлмаган бир ҳолдир.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарори касаба союз ташкилотларининг фаолиятига катта таъсир кўрсатди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари область касаба союз комитетлари Марказий Комитет Пленумининг қарорларини ишчанлик билан амалга ошираётганликларини, касаба союзларига партия раҳбарлиги яхшиланганлигини, маҳаллий касаба союз ташкилотлари ва фабрика-завод комитетлари социалистик мусобақани ташкил қилишга, уй-жой қурилишига, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига катта эътибор бераётганликларини кўрсатди. Чирчиқ электрохимия комбинати, «Чирчиксельмаш» заводи ва бошқа корхоналарнинг касаба союз комитетлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорига асосан доимий ишловчи ишлаб чиқариш йиғилишларини ташкил қилдилар. Шубҳасиз бунинг ишлаб чиқаришдаги таъсири кучаяди ва у оператив ҳамда таъсирчан бўлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида касаба союз маҳаллий ташкилотлари, ишчи ва фабрика-завод комитетларининг составига асосан кўпчилиги ишчан ва ташаббускор кишилар сайландилар. Шу билан бир қаторда айрим жойларда юксак ишончга сазовор бўлмаган, ўзининг нотўғри хатти-ҳаракати билан коллектив ўртасидаги обрўсини йўқотиб қўйган кишиларни касаба союз ишига тавсия қилиш каби яроқсиз практикага барҳам берилгани йўқ. Гулистон районидаги «Гулистон» совхози ишчилари комитетининг раиси Иброҳимов системали равишда ичкиликбозлик қилиши, ишёқмаслиги, кишилар ҳақида мутлақо ғамхўрлик қилмаганлиги билан ном чиқарган шахсдир. Шунга қарамай, совхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Яҳёев ва район партия комитетининг ходимлари унинг кандидатурасини зўрма-зўракилик билан тавсия этдилар.

Мирзачўл районидаги «Мирзачўл» совхози ишчилар комитетининг раиси Кардибеков ҳам ўзининг ахлоқий қиёфаси жиҳатдан Иброҳимовдан қолишмайди. Ўтган йили пахта йиғим-терими ва уни давлатга топширишнинг қизғин пайтида Кардибеков вактини чойхонада ўтириш билан ўтказган. Ваҳоланки, совхоз ишчилари учун пахта йиғим-терими даврида далада иссиқ овқат ташкил қилинмаган ва дала шийпонлари жиҳозланмаган.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми партия ташкилотларидан касаба союзларига раҳбарликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳасига таъсирини кучайтиришни талаб қилди. Бу талабнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан партия ташкилотлари қуйи касаба союз ташкилотларига қандай раҳбарлик қилишларига, уларнинг фаолиятини қай даражада кучайтиришларига боғлиқдир.

Қуйи касаба союз ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг катнашчилари ва касаба союз конференция делегатлари таъкидлаб кўрсатганларидек вазифа — ишчиларнинг умумий йиғилишларини, ишлаб чиқариш йиғилишларини ўз вақтида ва тез-тез ўтказиб туриш, коллектив шартномалар тузиш ва унинг бажарилиши устидан оммавий равишда текшириш олиб бориш, коммунистик қурилишнинг синалган методи—социалистик мусобақани чинакам оммавий тус олдиришдан иборатдир. Ана шундагина касаба союз ташкилотларининг фаолияти тўбдан яхшиланган ва у оператив ҳамда жозибий тус олган, ишлаб чиқаришга ва оммага ҳаммадан кўра кўпроқ якинлашган бўлади. Биз барча чоралар билан ана шунга эришишимиз лозим.

С. МУСАЕВ,

Ўзбекистон касаба союзлари совети Тошкент область ташкилот бюросининг раиси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

«Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси» (Асосий қонуни). 34 бет, тиражи 50.000, баҳоси 30 тийин.

Б. Л. МАНЕЛИС. — **«Совет сайлов системасининг афзалликлари»**. 94 бет, тиражи 5.000, баҳоси 1 сўм.

Л. ЛИТВАК, М. ЦИПКИНА. — **«Развитие местной и кооперативной промышленности Узбекистана»**. 124 бет, тиражи 3.000, баҳоси 1 сўм 85 тийин.

Г. ГРАХОВ, Г. ТАМАРИНА. — **«Слово молодых шелководов — твёрдое!»**. 87 бет, тиражи 3.000, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Г. ТАМАРИНА. — **«Қаҳрамонлик юлдузи»**. 59 бет, тиражи 10.000 баҳоси 55 тийин.

М. ЖУМАНАЗАРОВ. — **«Китоб районининг пахтакорлари»**, 14 бет, тиражи 10.000, баҳоси 20 тийин.

Е. Ф. МОТКОВ. — **«Агрономия асослари»**. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари бош идорасининг Профессионал-техника илмий совети томонидан қишлоқ хўжалигини машиналаштиришга доир механизация ва ҳунар мактаблари учун дарслик тарзида тавсия этилади. 289 бет, тиражи 10.000, баҳоси 6 сўм 50 тийин.

Б. Л. МАНЕЛИС. — **«Советская избирательная система самая демократическая в мире»**. 93 бет, тиражи 3.000, баҳоси 1 сўм.

Қисқа сатрларда

◆ **Боёвут.** Райондаги 20-еттийиллик мактаб ўқувчилари темир-терсак йиғишда актив қатнашиб, шу кунгача 10 тоннадан ортиқ темир-терсак тўпладилар. Шунингдек, 19-ва 21-мактаб ўқувчилари ҳам бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ю. Юсупов.

◆ **Куйи Чирчиқ.** «Победа» колхозида 45 та янги типдаги уй-жой бинолари битказилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, райондаги «Коммунизм йўли» колхозида ҳам ана шундай уйлардан 35 таси қуриб битказилди. Ҳозир бу уйларни электрлаштириш тадбирлари кўрилмоқда.

Х. Имомов.

◆ **Мирзачўл.** Район ДОСААФ комитети ҳузурида 4 ойлик шоферлар тайёрлаш курси очилди. Ҳозир курсда 80 дан ортиқ киши ўқимоқда. Шунингдек, Верхне-волинск районида ташкил қилинган ана шундай курсни якинда 98 киши тамомлаб колхоз ва совхозларга ишлаш учун жўнаб кетдилар.

Т. Муслимов.

◆ **Оққўрғон.** Алимкентдаги ёғ заводи касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан бу ерда 6 ойлик бичув-тикув курси ташкил қилинди. Чевар А. Валуйка раҳбарлик қилаётган бу курс машғулотларига 50 дан ортиқ хотин-қиз қатнашмоқда.

М. Ойдинов.

◆ **Янгийўл.** Райондаги Ленин номли колхоз 1957 йилда давлатга закупка қилган гўшт ва сут маҳсулотлари эвазига давлатдан 3 та «Газ-51» юк автомашинаси ва битта «Москвич» енгил автомобили олди. Шу билан колхозлаги автомашиналар сони 18 тага етди.

Қ. Азимов.

Халқ истемоли товарларини кўпроқ ишлаб чиқарайлик

(Республика ҳунармандчилик кооперацияси йиғилишидан)

Тошкентда Ўзбекистон ССР ҳунармандчилик советининг йиғилиши бўлиб, ҳунармандчилик кооперациясининг 1957 йилдаги иш якунлари ва бу йилги планни муддатидан илгари бажариш тадбирларини муҳокама қилди.

Докладчи — правление раиси Ўртоқ И. Акромов ва музокараларда сўзга чиққанлар республика кооператив саноати корхоналарининг ўтган йилда ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида гапирдилар. Топшириқдан ташқари қарийб 47 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Товарлар чиқариш 1956 йилдагига нисбатан 16,3 процент ўсди.

Шулар билан бир қаторда сўзга чиққанлар кўпгина корхоналарда техника, материаллар ва хом ашёдан ҳали ҳам ёмон фойдаланилаётганлигини кўрсатдилар. Бухоро, Қашқадарё область промсоветлари ва Қорақалпоғистон АССР промсовети йиллик ишлаб чиқариш планини бажара олмадилар ва аҳолига қирқ миллион сўмликдан ортиқ кам маҳсулот бердилар.

Йиғилишда Тошкент, Самарқанд ва Фарғона областларидаги бир қанча ҳунармандчилик артеллари сифатсиз маҳсулот чиқараётганликлари ва бу маҳсулотнинг сотилмай, базаларда ва складларда ётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар Узпромсовет ва Узхудожпромсоюз конструкторлик-технология бюросининг ходимларини маҳсулотнинг янги хилларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш суръатлари сустлиги учун, прогрессив технологияни ва ишлаб чиқаришни механизациялаш воситаларининг суст жорий қилинаётганлиги учун танқид қилдилар.

Ўзбек халқи амалий халқ санъатини севади. Бадиий буюмларга талабнинг ортганлиги бунда ўз ифодасини топмоқда. Ўтган беш йиллик ичида бадиий буюмлар чиқариш қарийб уч баравар кўпайди. Миллий газламалар, зар тикиладиган буюмлар ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Бу хил маҳсулот мамлакатимиздан бошқа ерларда ҳам кенг машҳурдир. Ўзбек халқ усталари ишлаган буюмлар 1957 йилда 12 та халқаро виставка ва ярмаркаларда намойиш қилиб кўрсатилди. Бухородаги Октябрь 40 йиллиги артели коллективининг иши алоҳида диққатга сазоворлир. Артелнинг кекса усталаридан Мирзаев, Саъдуллаев, Аминов ва бошқа ўстоқлар бир қанча юксак бадиий буюмлар яратдилар.

Сўнгги йиллар ичида бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар очилди. Лекин область ҳунармандчилиж советларининг раҳбарлари саноатнинг бу муҳим тармоғига ҳамма вақт етишинча эътибор бередилар, деб айтиб бўлмайди. Бадиий кулолчилик, ёғочга нақш солиш ва ўймакорлик, металл буюмлар ишлаш, қўлда тикилган миллий кашталарни такомиллаштириш ишлари етарли даражада олиб борилмайди.

Кенгашда сўзга чиққанлар кўпгина ҳунармандчилик артелларида меҳнатни нормалаштириш ва иш ҳақи тўлаш тартибга солинмаганлиги, меҳнат унумининг пастлиги, чиқарилаётган маҳсулот таннархининг баландлиги тўғрисида гапирдилар. Қашқадарё облпромсоветининг корхоналари хомашё ишлатиш харажатинда оширib юбордилар, Тошкент шаҳар промсоветида, Хоразм ва Тошкент облпромсоветларида умумий ишлаб чиқариш харажатлари кўпайтириб юборилган. Натижада таннархини камайтиришдан ярим миллион сўм миқдорида маблағ тежалмай қолган.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигини танқид қилдилар. Бу министрлик 10,4 миллион сўмдан фақат 6,5 миллион сўмни ўзлаштирган.

Ҳунармандчилик кооперациясининг корхоналари бу йил 1957 йилдагига нисбатан 118 миллион сўмлик ортиқ турли товарлар ишлаб чиқаришни кўзда тутадилар. Болалар кийими ва пойафзали ишлаб чиқариш икки марта, ички трикотаж чиқариш ҳам шунча миқдорда кўпайтирилади. Янги техниканы ишга туширишни, илғор технологияни жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш плани белгиланди. Шу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ жойларда 13 та маиший хизмат кўрсатиш комбинати, 20 тадан ортиқ павильон ва стационар мастерскойлар очишга қарор қилинди. Аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатиш мақсадида пойафзал, уй-рўзғор буюмларини ремонт қиладиган сайёр бригадалар ташкил қилиш мўлжалланди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари 1958 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

* * *

Йиғилишда амалий халқ санъатининг кекса мастери Р. Мирзаевга ва рассом В. Столяровга «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» деган унвон бериш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб эшитирилди. Ҳунармандчилик кооперацияси ходимларидан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Бадиий ҳунармандчиликнинг энг яхши усталарига мукофот ва совғалари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков топширди. (ЎзТАГ).

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган ўртоқ Мирсодиқов смена топшириқларини системали равишда 200-250 процент бажариб, аъло сифатли маҳсулот бераётир. **Суратда:** фабриканинг пойафзални қолипга тортувчиси **Ҳ. Мирсодиқов** ўз станоги ёнида.

О. Косирев фотоси.

ГАЗЕТАЛАР ХАБАР ҚИЛАДИ

ЁШЛАР КИНОЛЕКТОРИЙСИ

Юқори Чирчиқ район комсомол комитети ёшлар кинолекторийси ташкил қилди. Лекторийга кўплаб ишчи-ёшлар, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари қатнашмоқда. Лекторий ҳар якшанба куни бўлиб турибди. Кинофильмни кўрсатиш олдидан турли илмий ва оммабоп темаларда лекциялар ўқилмоқда. Бунга сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Тошкент область бўлими лекторлари жалб қилинган.

(**«Олға»** — Юқори Чирчиқ),

АГРОТЕХНИКА КУРСИ

«Мирзачўл» совхозида агротехника курси ташкил қилинди. Курсда тракторчилар, далачилик бригадалари ва звеноларнинг бошлиқлари ўқимоқдалар. Совхоз дирекцияси машғулотларнинг юқори савияда ўтиши учун зарур тадбирлар кўрган. Курс қатнашчиларига ирригаторлар, мелиораторлар ва пахта усталари лекциялар ўқимоқда. Золотая Орда тажриба станциясининг агрономлари тингловчиларга шўр ерларни ювиш, беда алмашлаб экиш ва бошқа темаларда лекциялар ўқидилар.

(**«Ленинское знамя»** — Янгиер).

214 МЕХАНИЗАТОР

Яқинда Вревский посёлкасидаги механизаторлар тайёрлаш мактабини 214 киши тамомлаб чиқди. Мактабни битириб чиққанлар республикамизнинг колхоз, совхозларига ишлаш учун жўнаб кетдилар.

(**«Ленин байроғи»** — Чиноз).

КОЛХОЗДА ЯНГИ ТУГАРАК

Райондаги «Ленин йўли» колхози хотин-қизлар советининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалик артелида бичиш-тикиш тўгараги ташкил қилинди. Тўгаракка 35 хотин-қиз жалб қилинди. Улар ўз машғулотларида кийим тикишни ўрганмоқдалар. Тўгаракка тикувчилик мактабини битириб чиққан чевар ўртоқ У. Ҳайрутинова раҳбарлик қилаётир.

(**«Мўл ҳосил учун»** — Ўрта Чирчиқ).

ВЦСПСДА

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШЛАРИ КАСАБА СОЮЗЛАР МАҲАЛЛИЙ КОМИТЕТЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Мамлакат халқ хўжалиги кенгашлари касаба союз маҳаллий комитетлари раисларининг ВЦСПС да 2 кун давом қилган кенгаши 22 мартда ўз ишини тамомлади. Ишдаги тажрибаларни айрибошлаш мақсадида чақирилган бу кенгашда давлат муассасалари ходимлари касаба союзи республика ва область комитетларининг раислари ҳам қатнашди.

Москва шаҳар халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси М. И. Фролов, Сталинград халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси А. П. Модина, Олмаота Халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси И. Г. Голубев, Белоруссия халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси А. С. Рапина, Ленинград халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси В. В. Чеглоков, Смоленск халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси Т. В. Меренков, Латвия халқ хўжалиги кенгаши маҳаллий комитетининг раиси Л. А. Марченко ва бошқалар қуйи касаба союз ташкилотларининг халқ хўжалиги кенгашлари бошқармаларининг ва бўлимларининг ходимларига аппарат фаолиятини такомиллаштиришда ёрдамлашаётганликларини, халқ хўжалиги кенгашлари ходимларининг ва оила аъзоларининг маиший ва маданий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини гапириб бердилар.

ВЦСПС раиси В. В. Гришин кенгашда катта нутқ сўзлади.

Ўртоқ Гришин халқ хўжалиги кенгашлари касаба союз ташкилотлари маҳаллий комитетларининг вазифаларига муфассал тўхталди.

Халқ хўжалиги кенгашлари ходимларининг меҳнат, турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифасидир. (ТАСС).

„Бинокорлик материалларининг талон-торож қилинишига йўл қўйилмасин"

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

Юқоридаги сарлавҳа билан газетамизнинг шу йил 26 февраль сонида 32-қурилиш трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош бухгалтери Ўртоқ Барбарашнинг редакцияга ёзган хати босилган эди. Хатда бинокорлик ишидан хабари бўлмаган шахсларнинг қурилиш ташкилотларига бошлиқ қилиб тайинланиши, улар ўз мансабидан фойдаланиб, давлат пулини ҳамда маблағларини талон-торож қилиб келаётганлари, молия хўжалик ишларини издан чиқарганликлари ва бошқа жиддий нуқсонлар кўрсатилган.

Тошкент шаҳар прокурори Ўртоқ Туполевнинг редакциямизга хабар қилишича, Фрунзе район прокурори қурилиш материалларини талон-торож қилгани учун «Узсантехмонтаж» трести 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг собиқ прораби Каракозовни жиноий жавобгарликка тортган ва у қамоққа олинган. Ўша бошқарманинг бош инженери Шаховцев ва бош бухгалтер А. Ф. Ус ҳам жиноий жавобгарликка тортилганлар.

СССРда социалистик мулкнинг икки формаси тўғрисида

СССР да социалистик мулк умумхалқ, давлат мулки ҳамда колхоз-кооператив мулкидан иборат икки формала мавжуддир. Социалистик мулкнинг бу иккала формаси ҳам кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини инкор қилади. Коммунизм қуриш учун олиб борилаётган курашда умумхалқ, давлат мулки колхоз мулкига нисбатан етакчилик ролини ўйнайди.

Ф. Энгельс коммунистик хўжаликка ўтиш вақтида оролиқ звено тарзидаги кооператив ишлаб чиқаришдан кенг миқёсда фойдаланилишини олдиндан кўрган эди. «Бироқ иш шундай йўлга қўйилмоғи керакки,—деб ёзган эди Энгельс, — жамият—бинобарин, дастлабки вақтда давлат—ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчиликни ўз қўлида сақлаб турсин ҳамда, шу тарзда, кооператив ширкатининг хусусий манфаатлари умуман бутун жамият манфаатларидан устун бўлиб кетмасин» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 27 том, 524 бет).

Улуғ Ленин кооператив плани ишлаб чиқаётган вақтда экономикадаги қўмондонлик позицияларини социалистик давлат қўлида сақлашни қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришнинг муқаррар шартидир деб кўрсатган эди.

Корхоналарни, икки формадаги социалистик мулкни бошқаришни ҳамда улар ўртасидаги муносабатни ташкил қилишнинг конкрет формалари тўғрисидаги масалада Ленин олдиндан ўйлаб чиқарилган схемалардан қочишни, вақт келган бўлса, эски формаларни анча мукаммал янги формалар билан оммалаштиришни талаб қилди.

Икки формадаги социалистик мулкнинг табиатидан куч ишлатиш билан ҳал бўладиган конфликтлар келиб чиқмайди. Бироқ тараққиётнинг турли босқичларида социалистик мулкдаги икки формаси ўзаро муносабатида айрим ноантагонистик қарама-қаршиликлар бўлиб туриши мумкин. Сўнгги йиллар мобайнида шундай қарама-қаршиликлардан бири колхозларга МТСлар орқали ишлаб чиқаришга техника ёрдами кўрсатиш формасида эканлигини аниқланди. Бу форма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларининг тараққиёти эҳтиёжларига мос келмай қолди. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида, 1950 йилга қадар колхозларнинг анчагина қисми майда, иқтисодий жиҳатдан кучсиз хўжаликлар эди. Улар тракторлар, комбайнларни ва бошқа мураккаб машиналарни сотиб олишга ва улардан оқилона фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Бундай шароитда шартнома асосида колхозларга ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш учун қишлоқда кенг тармоқли давлат машина-трактор станцияларининг бўлганлиги ўринли, иқтисодий жиҳатдан қулай бир нарса эди. Колхозлар ана шу индустриал-техника базасидагина иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамландилар, майда ва якка деҳқон хўжаликларидан ҳам, йирик капиталистик хўжаликдан ҳам жуда устун эканлигини исбот қилдилар.

Ўтган йиллар мобайнида, айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилги сентябрь Пленумидан сўнгги йилларда бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида қишлоқ хўжалигининг барча асосий тармоқларида жиддий ютуқларга эришилди, ишлаб чиқаришнинг интенсификация ва тўпланиш даражаси, колхоз мулки ўсди. Колхозларнинг йириклаштирилганлиги уларнинг сонини 1949 йилдаги 250 мингдан 1958 йил бошидаги қарийб 78 минггача камайтириш имкониятини берди. Мамлакатнинг ҳамма зоналаридаги колхозлар янги, анча юксак даражага кўтарилдилар. Ҳозир ўрта ҳисобда ҳар бир колхозга илгариги 500-600 гектар ўрнига икки минг гектарданга якин экин майдони тўғри келади.

Колхоз фермаларидаги чорва моллари сони кўпайди. 1950 йилга қадар кўп колхозлар 10 дан 20 гача сигирга эга бўлиб, улар ҳам оддий молхоналарда боқилар эди. Ўтган 4-5 йил мобайнида чинакам йирик чорвачилик фермалари, типовой молхоналар, бузоқхоналар, чўчқахоналар қурилди ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар кенг суратда механизациялаштирилмоқда. Меҳнат унумдорлиги ўсди, ҳар бир 100 гектар экин майдонига ҳисоблаб етиштирилаётган ялпи ва товар маҳсулот миқдори кўпайди. Қуйидаги маълумотлар колхозлардаги жамоат хўжалигининг интенсивлиги ва товар маҳсулоти қай даражада эканлигини кўрсатади:

Ўлчов бирлиги	1952 й.	1956 й.
СССР колхозларининг барча пул даромади млн. сўм	42.800	94.616
Бўлинмас фондларга ажратилган маблағ —»—	7.408	16.728
Бўлинмас фондларнинг йил охиридаги миқдори —»—	63.078	98.594

Ҳозирги вақтда бўлинмас фондлар биринчи галда асосий ишлаб чиқариш воситаларини қайта ишлаб чиқаришга, шу жумладан, машиналар, асбоб-ускуналар, наслдор моллар, қурилиш материаллари сотиб олишга сарф қилинмоқда. Дастлабки ҳисобларга қараганда, 1958 йилда колхозлар ажралмас фондларга 25 миллиард сўмга якин маблағ ажратишлари мумкин. Бу маблағ МТС-ларнинг колхозларга сотиладиган техникаси қимматидан 5-7 миллиард сўм кўпроқдир.

Колхоз тузуми тараққиётининг дастлабки даврларига қараганда колхозчиларнинг ишлаб чиқариш малакаси анча ўсди, янги касбларни эгаллаб, мураккаб машиналардан унумли фойдаланишни биладиган жуда кўп кишилар етишиб чиқди. Ҳозир қишлоқда ишлаб чиқариш ташкилотчилари, агрономлар, зоотехниклар бор, уларнинг сони ўтган тўрт йил мобайнида бир неча марта олий ва махсус ўрта маълумотли 18.500 мутахассис ишлаган эди. 1957 йилда улар 150 минг кишини ташкил қилди.

Айни вақтда бутун колхозчилар оммасининг онгсий онглилиги ўсди, улар умумлавлат манфаатларини анча яхши тушунадиган бўлиб қолдилар. Бундай шароитда машина-трактор станцияларининг колхоз ишлаб чиқаришини ташкил қилишдан иборат вазифасига эҳтиёж қолмади. Колхоз ерида икки хўжаликнинг эгалик қилиши амалда техникадан янада юқори унум билан фойдаланишга тўсқинлик қилабошлади, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга зарур даражада ёрдам бермай қўйди, унумсиз харажатларга, маҳсулот бирлигининг қимматлашиб кетишига олиб келди. Колхозларга МТСлар орқали ишлаб чиқариш-техника ёрдами кўрсатишнинг эски формаси колхоз ишлаб чиқаришини янада кескин суратда ривожлантириш манфаатларига зид бўлиб қолди. Бу номувофиқлик КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорида ҳамда Н. С. Хрушчевнинг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станциясини қайта ташкил қилиш тўғрисида» деган доклади тезисларида белгилаб берилган тадбирлар билан бартараф қилинади.

Тракторлар, комбайнлар ва бошқа мураккаб машиналарнинг колхозларга сотилиши колхозларнинг ичкарисидагина эмас, шунингдек уларнинг саноат билан қиладиган ўзаро алоқалари доирасида ҳам чуқур ижобий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади. Колхозлар билан давлат ўртасидаги мол обороти анча ўсади, уларнинг ишлаб чиқариш ва товар муомаласидаги роли кучаяди.

Техниканинг МТСда тўпланганлиги, унинг умумхалқ мулка сифатида сақланганлиги ҳамда бу соҳада колхоз мулкининг чегаралганлиги СССР ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётининг муайян босқичларида тўғри ва зарур бир нарса эди. Энди бу босқич орқала қолди. Колхозларга техника етказиб бериш ва ундан фойдаланишнинг анча мукаммал методларини қўлланиш ҳозир иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

СССР қишлоқ хўжалигидаги йирик социалистик корхоналар икки хил формада мавжудлир: уларнинг бири совхозлар бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулот давлат мулки ҳисобланади, колхозларда эса, ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулот айрим деҳқонлар коллективининг мулки ҳисобланади. Колхозда умумлашиш даражаси анча пастдир. Келгусидаги вазифа — колхоз мулкини умумхалқ, коммунистик мулк даражасига етказишдан иборатдир.

1956 йилда ҳамда 1957 йилнинг биринчи ярмида Қозоғистон ССРда ва РСФСРнинг бир неча областида иқтисодий жиҳатдан кучсиз бўлган бир қанча колхозлар колхозчиларнинг розиқиги билан қўшни совхозларга қўшилди ёки МТСлар ва бир неча колхоз базасида бир қанча янги совхозлар ташкил қилинди. Айрим ходимлар ана шу айрим ҳодисага таянib, колхоз мулкини умумхалқ мулки даражасига кўтариш ҳамда колхоз тузумини янада ривожлантириш тўғрисидаги масалани соддаллик билан талқин қилдилар. Улар якин йиллар ичида ҳамма колхозларни совхозларга айлантириш мумкин деб ўйладилар.

Ҳақиқатан эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун колхозларнинг имконияти ҳали жуда кўпдир. Демак, қишлоқ хўжалигида муваффақият билан ривожланаётган икки типдаги йирик социалистик корхоналар бўлган колхозлар билан совхозларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди.

Колхозлар анча ўсган ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилган техникага таянib, янги босқичда тармоқларни оқилона мослаштириш, жамоат ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун энг оз миқдорда меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда ҳар бир 100 гектар ерга ҳисоблаганда ялпи ва товар маҳсулотни энг кўп ишлаб чиқариш имкониятига эга бўладилар. Мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб ишлаб чиқариш учун колхозлар ва совхозларнинг барча резервларидан тўла фойдаланмоқ керак.

Гоҳо: техника колхозларга сотилса умумхалқ мулки бўшашиб қолмайдими, деб сўрайдилар. Йўқ, бўшашиб қолмайди. Бундай бўшашиш шунинг учун ҳам содир бўлмайдики, СССР халқ хўжалигидаги барча ишлаб чиқариш фондлари (қишлоқ хўжалик ерлари ва фойдаланилаётган ўрмонларнинг қиммати ҳам шунга киради)нинг жуда кўпчилиги давлат мулкидир. 1936 йилда кооператив-колхоз мулкининг ҳиссаси мамлакатдаги барча ишлаб чиқариш фондларининг 8,7 процентини ташкил қилган эди. Шундан сўнгги 20 йил мобайнида колхозлар қўлидаги бўлинмас фондларнинг миқдори анча кўпайди. Шу давр мобайнида саноат, транспорт ва умумхалқ мулкининг бошқа тармоқларидаги ишлаб чиқариш фондлари янада кўпроқ ўсди. МТСларнинг 18-20 миллиард сўмлик техникасини сотиш икки формадаги социалистик мулкнинг мавжуд нисбатига тубли ўзгартишлар кирита олмайди.

Колхозлар эндигина тузилган вақтда уларнинг кичик қўламдаги жамоат мулки асосан собиқ якка хўжаликларнинг оддий қуролларидан, от-уловидангина иборат эди. Ўтган 25 йил мобайнида миқдор ва сифат жиҳатидан катта ўзгаришлар содир бўлди. Дастлабки қуроллардан асар қолмади. Ҳозирги босқичда колхозларнинг жамоат мулки — дастлаб бутун совет халқи иштирокида колхозчиларнинг коллектив меҳнати билан яратилган бўлинмас фондлардир. Ана шу маънода ажралмас фондлар амалда умумхалқ мулкига яқинлашиб бормоқда.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш масаласи умумхалқ муҳокамасида

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Бизнинг таклифларимиз

Ўрта Осиё политехника институти қурилиш факультетининг ўқитувчилари, илмий ходимлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қиладиган доклади тезисларини зўр қизиқиш билан муҳокама қилиб, бу муҳим ҳужжатларни маъқулламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорлари ва Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларида олдинга сурилган масалаларни яхшироқ бажаришда факультет партия ташкилоти коммунистлар билан фикрлашиб қуйидаги таклифларни жамоатчилик ўртасига ташлади. Бу таклифлар олий маълумотли қурувчи кадрлар етиштирувчи муассасаларга айниқса таллуқлидир.

Колхоз тузуми ривожининг янги шароитлари ва колхозларни материал-техник воситалар билан таъминлашнинг янги ташкилий формалари қишлоқда қурилиш ишларининг янада тараққий қилишига олиб келади. Чунки колхозларнинг даромади, бўлинмас фондларга ажратилаётган маблағларнинг тобора ортиб бориши ва колхозчилар фаровонлигининг юксалиши қишлоқда қурилиш планларининг кенгайтирилишини талаб этади. Бу ҳол қурилиш ва проект ташкилотлари зиммасига муҳим масъулиятлар юклайди.

Бизнинг фикримизча, **қишлоқ қурилиши ишлари бир идора қўлида — давлат қурилиши ташкилотларида марказлаштирилиши, бунинг учун мавжуд колхозлараро қурилиш ташкилотлари ўрнига қишлоқ қурилиши бўйича давлат область қурилиш трестлари ташкил қилиш ва уларни Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги махсус бошқармага бўйсундириш мақсадга мувофиқдир.** Чунки ҳозирги вақтда мавжуд бўлган колхозлараро қурилиш ташкилотлари талабга тўла жавоб бера олмаётир. Қайта ташкил қилиниадиган қурилиш трестлари кўчма ихтисослаштирилган қурувчилар отряди, кўчма ишлаб чиқариш корхоналари, кўчма механизация воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Бундай трестлар учун ишчи кадрлар колхозчилар орасидан тайёрланиши лозим. Бу трестлар учун инженер-техник кадрлар тайёрлашда эса бизнинг қурилиш факультетимиз бошқа мутахассислар билан бир қаторда қишлоқ қурилиши инженерларини ҳам тайёрлаб беришга киришиши лозим. Бунинг учун факультетда етарли даражада малакали педагоглар бор, мавжуд студентларнинг кўпи эса қишлоқдан келган ёшлардир. **Келаётган янги ўқув йилидан бошлаб факультетда қишлоқ қурилиши инженерлари тайёрлаш бўлими очиш керак.**

Қурилиш факультети йўли билан олиб бориладиган илмий-текшириш ишлари тематикасини КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми олга сураётган талабларга жавоб берадиган қилиб қайта қуриш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қурилиш факультети коллективи қишлоқ қурилиши кадрларига ёрдам сифатида уларнинг ишларига қўлланма бўладиган бир қатор популяр брошюраларни рус ва ўзбек тилларида нашрга тайёрлашни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти бу асарларни яқин вақт мобайнида босиб чиқариши керак.

Қишлоқ қурилиши ишига мўлжалланган типовой лойиҳаларнинг бугунги талабларга тўла жавоб бера олмаслигини ҳисобга олиб, қишлоқ қурилиши учун типовой лойиҳалар номенклатурасини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш, бунда Ўзбекистон районларининг маҳаллий талаблари ва шароитлари ҳисобга олиниши шарт деб ҳисобланилсин.

Шу мақсадда Ўзбекистон Архитекторлар союзи ана шундай типовой лойиҳаларни ишлаш учун конкурс эълон қилиши, бу ишга ҳуқуқ бор мутахассисларни ва жамоатчилик вакилларини, колхозларнинг масъул ходимларини жалб қилиши лозим.

Оталигимизга бўлган Октябрь районидаги Охунбобоев номли колхозининг қурилиш ишларини ривожлантиришга амалий ёрдам бериш мақсадида факультет профессор ва ўқитувчиларидан иборат доимий бригада тузамиз ва уларни колхозлари қурилиш ишларини кучайтириб юборишга ёрдам бериш учун юборамиз.

Ўрта Осиё политехника институти ўқитувчилари номидан
профессор **Й. Исҳоқов**,
доцентлардан **Р. Абдурасулев**,
Г. Мартиросянц,
В. Архангельский,
Б. Вараксин,
С. Петросов,
З. Шваб,
старший ўқитувчи **Н. Турсунов**.

☆ ☆ ☆

«Ташсельмаш» заводи коллективи трактор ва дон тозалаш машиналари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Йил бошидан бери коллектив 12 мингтадан кўп ОВ-10 маркали дон тозалаш машинаси ҳамда бирқанча ДТ-24 трактори тайёрлади. **Суратда:** техника контроль бўлимининг инженери **А. Баданов** (чапда) ва илғор слесарь **Ш. Данильян** тайёр тракторларни кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов фотоси.



☆ ☆ ☆

Социалистик қишлоқ хўжалигимиз янада ривожланади

Колхоз тузуми мамлакатимиздаги деҳқонлар аҳволини тубдан яхшилади, уларнинг моддий ва маданий турмушининг борган сари фаровон бўла боришини таъминлади, деҳқончиликда янги ва энг янги техникани ҳамда агрономия фани ютуқларини кенг қўлланиш йўли билан маҳсулдорликни ва меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун катта қулайликлар туғдирди.

Сўнгги 3-4 йил мобайнида колхозлар йириклаштирилди. Бунинг натижасида мавжуд техника ва ишчи кучларидан аввалгига қараганда кўпроқ фойдаланиш учун, колхоз экономикасини кескин кўтариш учун катта имкониятлар вужудга келди, уларнинг даромадлари сезилари даражада кўпайди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг жамоат меҳнатидан моддий манфаатдорликларини анча оширишга олиб келди.

Ўз меҳнатларидан моддий манфаатдорликлари ошиб бораётганлиги туфайли колхозчилар партия ва ҳукуматимизнинг социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган ҳамма тадбирларини амалга ошириш учун курашда ҳар қачонгидан ҳам актив курашмоқдалар.

Партиямизнинг кучи шундаки, у ҳамиша турмуш билан қадамбақадам боради, у кенг меҳнаткашлар оммаси билан чамбарчас боғланган, халқнинг ташаббуси ва активлигига, яратувчи қобилиятига катта йўл очиб беради. Унинг кучи яна шундаки, марксча-ленинча таълимотга оғишмай амал қилиб, тараққиётнинг ҳар бир янги тарихий босқичида энг асосий бўғинни топабилади ва шу бўғинни ушлаб олиб мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишини янада тезлаштиришни таъминлайдиган энг муҳим вазифаларни белгилаб беради ҳамда бу вазифаларни амалга оширишда жуда усталик билан раҳбарлик ва ташкилотчилик қилади. Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тўғрисидаги тадбир ҳам худди мана шундай энг асосий звенолардан биридир.

Ҳозирги пайтда қишлоқдаги социал-иқтисодий вазият бутунлай ўзгарди. Эндиликда колхозлар ривожланган йирик социалистик корхона бўлиб қолдилар, уларнинг кўпчилиги МТСларнинг раҳбарлигига унча муҳтож эмас. Шу сабабли колхозларга МТСлар орқали ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатиш формаси эндиликда колхоз ишлаб чиқаришини янада ўстираб бориш талабларига тўла жавоб беролмай қолди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларининг тўхтовсиз ривожланишига тўсқинлик қила бошлади. Партия Марказий Комитети мана шуни сезган ҳолда колхоз тузуми тараққиётининг ҳозирги ва бундан кейинги босқичларига кўпроқ мос келадиган янги формасини белгилади ва уни умумхалқ муҳокамасига тақдим этди.

Кўпгина қишлоқ хўжалик новаторларининг таклиф ва мулоҳазаларини назарда тутиб, партия Марказий Комитети колхоз тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш ва манфаатларини кўзлаб, тракторларни, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини колхозлар сотиб олиши ва уларга ўзлари хўжайинлик қилишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаётир. Бу тадбирнинг амалга оширилиши, техника ва ердан колхозларнинг самаралироқ фойдаланишларига, меҳнат унумдорлигини янада оширишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини янада камайтиришга катта имкониятлар очиб беради. Бу эса давлатга ҳам, колхозга ҳам, колхозчиларга ҳам катта фойда келтиради.

Машина-трактор станциялари қайта ташкил этилгач, улар колхозларнинг мураккаб машиналарини ремонт қилиб берадиган, янги техника билан колхозларни таъминлаб турадиган (сотиш йўли билан), запас қисмлар, ёнилги, ўғит, заҳарли химикатлар ва бошқа материаллар етказиб берадиган ҳамда колхозларга зарур бўлган машиналарни ижарага берадиган ремонт-техника станцияларига (РТС) айлантирилади.

Ремонт-техника станцияларининг тузилиши, МТСлардаги техникани колхозлар сотиб олиши социалистик қишлоқ хўжалиги тараққиётида янги босқич бўлади. Чунки техникадан колхозлар МТСларга қараганда кўпроқ самарали фойдаланишмоқда, барча ишларни тезроқ комплекс механизациялаштирадилар, кўп тармоқли хўжаликни кам ишчи кучи сарфлаб тез суръатлар билан ривожлантирадилар. Шунинг учун ҳам МТСларни қайта ташкил қилиш ва колхозларга техника сотиш олдидигина ташкилий тадбир эмас, балки моҳият эътибори билан саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этишдан кам аҳамиятга эга бўлмаган жуда катта ўзгаришдир. Мана шунинг учун ҳам барча совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари бу масалани зўр қизиқиш ва уюшқоқлик билан муҳокама қилмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси партия Марказий Комитети белгилаган тадбирни якдиллик билан маъқулламоқдалар ва шу билан бирга кўпгина фойдали таклифлар киритмоқдалар.

Оққўрғон районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари МТСлан қандай машина ва механизмлар сотиб олиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш режаларини тузиб чиқдилар. Бу қишлоқ хўжалик артели коллективи шу йилнинг ўзида бир неча трактор ва бир қанча қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олмоқчи. Бошланғич партия ташкилоти ва колхоз правлениеси колхозчи ва механизаторларнинг таклиф ва маслаҳатлари асосида иш кўраётир. Бу ерда иш дастлаб механизатор кадрларни танлаш ва уларнинг қандай ишларни бажаришларини белгилашдан бошланди. Ҳақиқатан ҳам техника жиҳатидан саводли ва малакали бўлган кадрларга эга бўлмай туриб, МТСдан ўнлаб ҳозирги замон техникасини сотиб олиш тўғрисида ўйлаш ҳам ортиқчадир. Мана шуни тушунган колхоз раҳбарлари МТС штатида бўлган бир қанча механикларни ва трактор ҳайдовчиларни колхоз аъзолигига қабул қилди.

Колхозда малакали полеводлар, чорвадорлар, механизаторлар ва колхоз ишини ташкил этувчи кадрлар ғанчагина бор. Шунингдек, касби трактор ҳайдовчи ёки механик бўлатуриб бошқа ишлар билан шуғулланиб юрган кишилар ҳам йўқ эмас. Правление мана шуларни ҳам ўз ҳунарида ишлашга даъват этаётир.

Маълумки, шу пайтгача тракторчи кадрлар асосан МТСлар ҳузуридаги курсларда тайёрланарди. Энди **МТСлар қайта ташкил этиладиган бўлса, механизатор кадрлар қаерда тайёрлаб чиқарилади деган савол туғилади. Бизнингча, бундай кадрларни колхозларда махсус курслар ташкил этиш йўли билан ва қишлоқ мактабларининг 9, 10-синфларида политехника машғулоти сифатида трактор қисмларини ва уни бошқаришни ўргатиш йўли билан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.** Ўрта мактабда дастлабки техника маълумотига эга бўлиб чиққан ёшлар тез вақт ичида малакали мутахассис бўлиб олишлари мумкин.

Чиноз районидаги «XIX партсъезд» колхозининг партия ва хўжалик раҳбарлари янги тадбирларни амалга оширишга қанинг кўзини билиб пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар далачилик трактор бригадалари тузиш, бу бригада аъзоларига меҳнат ҳақи тўлаш ва уларнинг ишини қулай ташкил этиш тўғрисида ҳозирданоқ конкрет план тузиб чиқаётирлар. Уларнинг фикрича, далачилик трактор бригадаси мустақил ишлаб чиқариш единицаси бўлади, яъни машина билан қилинадиган қишлоқ хўжалик ишлари комплексини бажариш учун зарур бўладиган барча машина ва механизмлар шу бригада қўлида бўлади. Бригадага керагича колхозчилар, ер участкаси ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари биркитиб қўйилади. Бу бригада хўжалик ҳисоби асосида ишлайди, аъзоларга бригаданинг иши натижасига қараб ҳақ тўланади.

Тракторларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини техника жиҳатдан ишга шай ҳолда сақлаш катта аҳамиятга эгадир. **Ҳар қандай майда ва жорий ремонт учун ремонт-техника станцияси хизматига муҳтож бўлиб қолиш иқтисодий жиҳатдан ҳам, ишни тезлатиш манфаати жиҳатидан ҳам колхозлар учун зараррлидир. Бунда машиналарнинг ишлаш вақти қамайиб кетади, колхоз ортиқча харажатлар қилишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳар бир колхозда мавжуд техникани жорий ремонт қиладиган унча катта бўлмаган мастерской ташкил этиш зарур.**

Колхозларни ёнилғи ва мойлаш материаллари билан таъминлашни рационал ҳал этиш ҳам катта масаладир. **Биз бундай материаллар колхозларнинг ўзида сақланиши керак, ҳар бир колхозда шундай материаллар сақлайдиган омборлар қуришга ҳозирдан киришиш керак, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сақлайдиган гаражлар қура бошлаш зарур деб ҳисоблаймиз.**

Ўз-ўзидан маълумки, то колхозлар зарур омборлар қуриб олмагунларича, МТСларнинг омбор ва гаражларидан фойдаланиб турилади. Ёнилғи ва мойлаш материалларини етказиб бериш билан ремонт-техника станциялари шуғулланиши керак.

Кўп колхозларнинг ҳодимлари мавжуд далачилик участкалари ўрнида далачилик трактор бригадалари ташкил этиш керак деяётирлар. Бу масалани ҳал этиш механизатор кадрлар етишмаслигига тақалиб қолаётир. Колхозларда бундай кадрлар оз. Шу муносабат билан **трактордалачилик бригадаларига полеводларни бошлиқ қилиб қўйиш фойдали бўлур эди деб ҳисоблаймиз. Полевод ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникани ўрганади ва деҳқончиликни яхши билганлиги учун бригадани техниканигина яхши биладиган малакали кадрга қараганда анча яхши бошқара олади.**

Ҳозирги пайтда колхоз экономикасини тўғри планлаштириш, хўжаликни бошқаришнинг ташкилий формаларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш савиясини кўтариш ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки мавжуд техникадан, ер ва меҳнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш мана шунга боғлиқдир. Бунда эса хўжалик ҳисобига ўтиш, хўжалик ҳисобини ривожлантириш катта роль ўйнайди. Шуни назарда тутиб, **биз ҳар бир далачилик-трактор бригадасини хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчириш зарур деб ҳисоблаймиз.**

Социалистик ҳисоб (учёт), контроль ва отчётнинг, айниқса эндиликда аҳамияти кучаяди. **Хўжаликка нормал оператив раҳбарлик қилишни таъминлаш учун бизнингча, колхозларда ҳар кварталда бухгалтерия отчёти ўтказиб туриш фойдали бўлади.** Шунингдек амортизация нормаларини белгилаш, уларни ҳисобга олиш ва шу нормаларга риоя қилиш каби масалаларни ҳам тезда ҳал этиш зарур бўлиб қолди.

Эндиги янги шароитда район ва колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг, район ижроия комитетларининг колхозлар экономикасини янада ривожлантириш, техникадан тўла ва эффектив фойдаланиш, олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида муваффақиятли бажарилишига эришиш юзасидан масъулиятлари ҳар қачонгидан ҳам ошади. Партия ташкилотлари ва райижроколмлардан жойларда ишни яхши ташкил этиш ва барча резервлардан унумли фойдаланиш учун колхозчиларни ва бошқа ходимларни иқтизомли, ташаббускор, бутун колхоз тақдири тўғрисида куну-тун қайғирадиган кишилар қилиб тарбиялаш ишига катта эътибор бериш талаб қилинади. Бу, жамоат хўжалигини юксалтира боришнинг асосий гаровидир.

А. АЙРУМОВ,
Тошкент Молия-иқтисод институти бухгалтерия ҳисоби ва анализи кафедрасининг мудири.

КОММУНИСТЛАР КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

Ҳамма жойда КПСС ўлка ва область комитетларининг пленумлари ҳамда партия активи йиғилишлари ўтказилмоқда. Бу пленум ва йиғилишларда февраль Пленумининг қарори ҳамда Н. С. Хрушчев докладининг тезислари зўр активлик билан муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар бу ҳужжатларни қизғин маъқуллаганлари ҳолда, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга ва колхоз тузумини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалик техникасидан тўғри фойдаланишга қаратилган кўпгина муҳим таклифларни киритмоқдалар.

Қозоғистон КП Акмолинск область комитетининг кенгайтирилган пленумида меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Д. Жангозин ва музокараларда сўзга чиққан Ўртоқлар қўриқ ерларни ўзлаштиришда МТС-лар катта роль ўйнаганлигини таъкидладилар. Экинзорларнинг кенгайтирилганлиги колхозларнинг экономикасини мустаҳкамлади. Область колхозларининг ўртача даромади 2,5 миллион сўмдан ошди. Колхозларнинг деярлик хаммаси ўзларига зарур техниками МТСдан сотиб олиш учун зарур маблағларга эга.

Пленум хўжаликларнинг кўкламги экишга қандай тайёргарлик кўраётганликларини муфассал анализ қилди, ҳосилдорликни оширишнинг янги резервларини аниқлади. Коммунистлар прогрессив агротехника усулларини жорий этиш йўли билан бутун экин майдонида гектаридан 100 пуд ҳосил олинишига эришишдан иборат жанговар вазифани илгари сурдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. И. Беляев қатнашди. (ТАСС).

Колхоз мулкига, масалан, умум овқатланиш учун мўлжалланган ғалла, картошка ва бошқа маҳсулотлар киради. Бу маҳсулотлар ўз табиати билан коллектив, группа мулкидир. Бироқ бу категориядаги фондларга бўлинмас фондининг моддий бойликларини қўшиб бўлмайди. Колхоз ҳаракати бошланган 1928 йиллардаёқ колхозларнинг биринчи Бутуниттифоқ съезди ўз қарорида бундай деб ёзган эди: «Бўлинмас фондлар... колхоз тугатиладиган бўлганда... колхозлар союзи қўлидаги умумий колхоз фондига топширилади». Бошқача қилиб айтганда, бўлинмас фонд — бутун колхоз тузумининг ижтимоий, социалистик мулки, яъни амалда умумхалқ мулкининг бир туридир. Социалистик мулк бўлган колхоз мулки коммунизм йўлидан олга бораётган колхозлардаги жамоат мулкининг изчиллик билан муттасил ривожланиши учун моддий асосдир.

Колхозларга 390 миллион гектарга яқин ер биркитиб қўйилган, уларнинг жамоат хўжалигида 150 миллион гектардан кўпроқ ерга экин экилган, улар давлат йўли билан тайёрланаётган сут, гўшт ва бошқа кўп маҳсулотларнинг учдан икки қисмини бермоқда. Колхоз мулкининг миқдори кўпайиб, сифати яхшиланиши умумхалқ мулки тараққиётининг кўламини ва суръатини сира бўшаштирмагани ҳолда, жамоат хўжалиги интенсификацияси даражасининг муваффақият билан ўсишига, бутун экин ерларидан тўлароқ фойдаланишга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ялпи ва товар маҳсулотининг кўпайишига ёрдам беради.

1957 йилда ғалла, пахта, қанд лавлаги, чой барги ва бошқа айрим техника ва махсус экинларни, шунингдек ем-хашакнинг энг кўп қисмини ишлаб чиқариш артелнинг жамоат хўжалигида юз процент умумлаштирилган ишлаб чиқариш эди. Чорвачилик тармоқларида умумлаштириш даражаси етарли даражада эмас. 1956 йилда колхозларга биркитиб қўйилган ерларда жамъи 56.384 минг бош йирик қорамол бор эди. Шу жумладан 31.344 минг бош, ёки 55,6 процент, жамоат чорваси ҳамда 25.040 минг бош, ёки 44,4 процент колхозчиларнинг хусусий мулки бўлган чорва моли бор эди.

Колхозчилар ўзларининг шахсий хўжаликларида сабзавот, картошка етиштириш ва уни сотиш учун ҳамда уй хўжалигида оиланинг маиший эҳтиёжларини қондириш учун ҳали анча меҳнат сарф қилмоқдалар. Хусусий мулкни колхоз мулкини ривожлантиришга қарши қўйиш тенденцияси учраб туради. Илғор колхозчилар бу тенденцияни тугатиш учун курашмоқдалар, колхоз қурилиши практикасида ижтимоий ва шахсий манфаатларни тўғри қўшиб олиб боришга эришмоқдалар. Жамоат хўжалигида астойдил меҳнат қилиш колхозчиларнинг моддий ва маданий турмуши даражасини янада оширишга ҳал қилувчи ва асосий манбаъдир.

Ҳозир колхоз мулкининг умумхалқ мулкига ўтишининг ташкилий формаларини характерлаб бериш учун конкрет материал йўқ. Назарий жиҳатдан шу нарсаларга равшанки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти жамият тақсимотининг коммунистик принципига ўта олиши учун имконият берадиган даражага етганда бу процесснинг тугалланиши учун энг муҳим шароит вужудга келган бўлади.

А. УРАЛЬСКИЙ.

АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ГЎШТ, СУТ ВА ЕҒ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИДА ЯҚИН ЙИЛЛАР ИЧИДА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА ЕТИБ ОЛАМИЗ

Молларни ҳамма вақт ширали, серсув ем-хашак билан боқамиз

Шаҳар атрофидаги колхозлар, жумладан Калинин район колхозлари олдига республикамиз пойтахти Тошкент меҳнаткашларини сабзавот, картошка, сут, тухум, гўшт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туриш каби шарафли вазифа қўйилган.

Сўнгги беш йил ичида район колхозларида сут етиштириш кескин кўпайди. 1952 йилда 780 тонна сут тайёрланган бўлса, 1957 йилда 3332 тонна тайёрланди. Соғин сигирлар сони эса 669 бошдан 1372 бошга кўпайди, ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда соғиб олинган сут 1167 килограммдан 2735 килограммга етди.

Аҳоли жон бошига сут етиштиришда АҚШ га етиб олиш учун Иттифоқимиз бўйича ўрта ҳисобда ҳар 100 гектар фойдаланиладиган ер ҳисобига 111 центнердан сут етиштириш керак. Ўтган йили Калинин район колхозлари (халқ хўжалигининг бошқа секторларида етиштирилган сут бу ҳисобга кирмайди) бу миқдордан ошириб сут олдилар. Экишга яроқли ҳар 100 гектар ер ҳисобига 246 центнердан сут етиштирдилар. Сталин номли колхоз фойдаланиладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 553 центнердан, Карл Маркс номли колхоз эса 459 центнердан сут тайёрлади.

Районнинг илғор сут соғувчилари Иттифоқимиздаги бошқа илғор сут соғувчилар билан мусобақа боғлаб, ғайрат билан ишламоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳикоят Абдуллаева ўтган йили ўз боқимидаги ҳар бир сигирдан 5173 килограммдан сут соғиб олди. Карл Маркс номли, генерал Раҳимов номли колхозларнинг Исоқова, Набиховна ва бошқа илғор сут соғувчиларнинг иш тажрибаси районимиз колхозларида ҳали фойдаланилмаётган гоят катта резервлар борлигини яққол кўрсатади.

Илғор колхозлар ем-хашак экинларидан мўл ҳосил олиб, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириб сут етиштиришни кескин оширишга эришмоқдалар.

Районимиз шароитида сут соғиб олишни кескин ошириш учун маккажўхори, беда, қашақи лавлаги экинларини экиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Аммо ўтган йилларгаги тажрибалар район колхозларида маккажўхори экишга ҳали ҳам етарли аҳамият берилмаётганлигини кўрсатди. Етиштирилаётган маккажўхори поясини асосан силосга бостирилиб, уни кўк поя ҳолда ёз фаслида сигирларга едиришга етарли эътибор берилмаётганини кўрсатиб ўтиш керак.

Оқибатда мўлжалдаги сутни соғиб олишга эришолмаётирмиз. Районимизда бир йил мобайнида етиштириладиган сутнинг 52 процента ёз фаслида соғиб олинади. Демак, бу вақтда сигирларни тўйимли ем-хашак, хусусан маккажўхори кўк пояси билан боқиш керак.

Умуман кўкўтнинг шохли қорамол учун аҳамияти каттадир. Кўкўт хушхўр, ширали ва серсувдир. У протеин, кальций, фосфор каби витаминларга бой бўлади. Қорамол уни тез ҳазм қилади. Шунинг учун чорва молларга кўкўтни кўп-лаб едириш керак. Шунингдек кўк беда ва маккажўхорининг кўк пояси оқсил ва углирод моддасига бойдир.

Аммо, ўтган йилларда район колхозларида маккажўхоридан силос тайёрлашда катта камчиликларга йўл қўйилди.

Кўп ҳолларда маккажўхори кеч экилади ва ўз вақтида ўриб олинмаганлиги учун пояси пишиб кетади. Натижада бундай поядан тайёрланган силос сифатсиз бўлади. Маккажўхори думбул ҳолатида силос қилинмаса, у ўз хусусиятини йўқотади.

Бу йил районимиз колхозлари ёзда сигирларни маккажўхорининг кўк пояси билан кўплаб боқишга тайёрланмоқдалар. Район бўйича бу йил 900 гектарга, шундан 200 гектари дон учун, қолган 700 гектари эса ем-хашак учун маккажўхори экилади. 200 гектардаги маккажўхори сигирларга кўкпоя ҳолида едирилади. 500 гектари эса силос қилинади.

Соғин сигирларни 120 кун — 20 июндан 20 октябргача кўк маккажўхори пояси билан боқамиз. Ҳисобимизга кўра 1400 бош сигирга ҳар куни 20 килограммдан, бир кунда 28 тонна, жамъи 120 кунда 3160 тонна кўк поя едириш талаб қилинади. Бундан ташқари 1000 бош бузоқ учун ҳар куни 10 килограммдан — мавсумда 120 тонна, паррандалар учун ҳам 120 тонна, хаммаси бўлиб 4680 тонна кўкпоя тайёрлашимиз керак. Бунинг учун ҳар гектар ерда 334 центнердан кўкпоя етиштириш учун курашамиз.

Ёз бўйи чорвани кўк поя билан мунтазам равишда таъминлаш учун маккажўхорини турли муддатларда экиш керак. Биз кўк поя учун экиладиган маккажўхорини тўрт муддатга 50 гектарданга бўлиб экишни планлаштирдик. Биринчи муддат — 20 март — 1 апрель, иккинчиси — 20 апрель — 1 май, учинчиси — 20 май — 1 июнь, тўртинчиси эса, 20 июнь — 1 июль ораларида экишга мўлжалланади. Шундай қилиб, биринчи муддатда 4000 центнер, июль, август, сентябрь ойларида 12000 центнердан, октябрда эса 6800 центнер кўк поя олинади.

Бундан ташқари чорва моллари сабзавот чиқиндилари ва беда билан ҳам озуқлантирилади.

Маккажўхорини думбиллик пайтида силос қилиб ғалғоришга эришмоқ учун уни турли муддатларда 1 апрелдан — 1 июнгача экамиз. Район колхозлари ҳар гектар ердан 300 центнердан силосбоп кўк поя етиштириб, жамъи 15000 тонна, ҳар бир бош сигирга 10 тоннадан силос бостириш мажбуриятини олдилар.

Бу йил ҳамма майдонларда маккажўхори квадрат-уялаб ўстирилади. Маккажўхори экиладиган майдонларга маҳаллий ва минерал ўғитлар кўплаб солинди.

Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бу ишларни бажаришда колхозларга ҳар томонлама ёрдам берадилар.

Ғ. МАЖИДОВ,
Калинин район партия комитетининг секретари.

Гўшт ва сут янада кўп етиштирилади

Колхоз фермаси дарвозасига яқинлашганимизда ичкаридан янги юк машинаси гуриллаб чиқиб қолди. Машинанинг кузовида сут тўлдирилган бидонлар терилиб қўйилибди. Шофер Карим Абдуллаев кабинадан бошини чиқариб биз билан саломлашди.

Йўл бўлсин Карим ака?

— Шаҳардаги дўконга... жавоб берди шофер.

— Ҳар куни эрталаб янги соғилган сутдан 600 литрини дўконларимизга тушириб, шаҳарликларга сотамиз,—деб тушунтирди қорамоллар бўйича ферма мудири Фозил Хасанов.

Дарвозадан ичкарига кириб, сигирлар турган катта-катта оғилхоналарни айландик. Сигирларнинг ҳаммаси семиз, қишда ҳам этини олдирмаган, пишқириб турибди.

—Ёзда ем-хашакни кўп ғамлаганимиз учун қишда ҳам сигирлардан сут соғиб олиш камаймади, — дейди ферма мудири.

Фозил ака зотли сигирлардан бирини соғишга тайёрлаётган аёл билан таништирди;

— Пахтакорлар ичида кўп минг килограммчилар шуҳрат қозонганидек, биз нинг Умрихон ҳам кўп минг килограмм сут соғиб ном чиқарди.

Ҳақиқатан ҳам Умри Аҳмедова ўзига биркитилган 12 сигирдан ўтган йили 45117 литр сут соғиб олиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлди. Ўз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлган М. Ёқубова, Ж. Мавлутова, Б. Ҳолидова, М. Мусаева каби 11 сут соғувчининг ҳаммаси ўтган йилги мажбуриятларини ошириб бажардилар. Улар шу кунларда ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Жонкуяр молбоқарлар Н. Юнусов, М. Исҳоқов ва Ш. Шукуров ўртоқлар кечани кундузга улаб, молларни яхши парвариш қилмоқдалар.

Идорага қайтиб келганимизда суҳбат КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати ва қишлоқ хўжалик артелининг келгусига мўлжалланган планлари устида борди. Аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштиришда яқин йилларда АҚШга етиб олиш учун бошланган умумий ҳаракатга муносиб ҳисса қўшишга колхоз аъзолари астойдил киришганликлари белгиланган тадбирлардан яққол кўриниб турибди.

1958 йилда 170 соғин сигирнинг ҳар биридан 3000 килограммдан сут олиниб, умумий миқдор 510 тоннага етказилади. Шу билан бирга сигирларга кўпроқ ширали ем-хашак едириш ва зотини яхшилаш йўли билан сутнинг ёғини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ҳозир колхозда 183 та чўчқа бор. Шундан 25 таси она чўчқа. Ана шу она чўчқаларнинг ҳар биридан 17 тадан бола олиб, чўчқалар сони 400 тадан оширилади. Шундан 300 та чўчқа гўшт учун семиртириб боқилади. Колхозда қўйчиликка ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 1958 йилда ҳар 100 совлиқдан 105 тадан қўзи олиниб, қўйлар сонини 9 минг бир юзга етказиш мўлжалланмоқда. Гўшт учун 2 минга қўй бўрдоқига боқилади.

— Чорвачиликни янада ривожлантиришга қаратилган бу режаларимизни муваффақиятли бажариш учун,—деди суҳбатда колхоз раиси Ҳожиакбар Отажонов,—етарли миқдорда ем-хашакка эга бўлишимиз керак. Шу мақсадда биз 1958 йилда 110 гектар ерга маккажўхори, 25 гектар ерга хашаки лавлаги, 220 гектар ерга картошка экишга, беданя эса 300 гектарга етказишга қарор қилдик, 3000 тонна силос бостирамиз.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
Тошкент районидаги Ленин номли колхоз.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида



Тошкент шаҳар мактабларида ўқувчиларнинг баҳорги каникули бошланди. Каникул кунларида кувноқ ўғил-қизлар мазмунли дам олиб, ўз мактабларига янги куч ва ғайрат билан қайтадилар. **Суратда:** пойтахтдаги Горький номли 90-мактабнинг 4 «в» синф ўқувчилари мактаб боғида бадиий китоб ўқимоқдалар.

В. Надеждин фотоси.

Киносеанс олдидан лекция ва суҳбатлар

Верхне-волинск район маданият бўлими тамошабинлар учун киносеанс олдидан лекция ва суҳбатлар уюштирди. Бу фойдали ташаббус яхши натижа бермоқда. Яқинда район марказидаги кинотеатрда «Қитъаларароб баллистик ракета ва Ер сунъий йўлдошлари» деган темада лекция ўқилиб, тамошабинларга «Йолдузлар сари» номли илмий-оммабоп фильм кўрсатилди. Лекцияда эшитган нарсаларини экранда кўрган тамошабиндар совет фани ва техникаси эришган ажойиб ютуқни атрофлича билиб олдилар. Шунингдек «Нишонли атомлар» номли фильм ва «Атом энергияси халқ хўжалиги хизматида» деган темадаги лекциядан ҳам тамошабинлар жуда мамнун бўлишди.

Март ойида «Совет кишисининг маънавий қиёфаси», «Спиртли ичимлик ва чекишнинг зарари», «Ҳаётда ҳар доим ҳам қаҳрамонлик кўрсатса бўлади» ва бошқа темаларга суҳбат ўтказилди.

Маданият бўлими кино-театрда сеанс бошлангунча 5-10 минутлик суҳбат-ахборот ўтказишни ҳам практика қилиб кўрмоқда.

Р. ДАВЛАТОВ.

Меҳнатсевар ўқувчилар

ГОЭЛРО ПЛАНИНИНГ МАКЕТИ

Политехник таълим изчиллик билан амалга оширилаётган Тошкент районидаги 21-ўрта мактабнинг дурадгорлик ва токарлик ҳунарларини ўрганиш, ёш географлар тўгаракларига 300 га яқин ўқувчи жалб қилинган. Айниқса мактабнинг ёш физиклари ўз машғулотларида яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. VII синф ўқувчилари доҳи В. И. Ленин тузган ГОЭЛРО планининг карта-макетини ишладилар.

Макетда тўла электрлаштирилган йирик саноат шаҳарлари, коммунизмнинг буюк иншоотлари, қурилаётган янги ГЭС лар кўрсатилган.

ГРУЗИЯ ЛИМОНЛАРИ

Ўқитувчи Мухамаджон Расулев раҳбарлик қилаётган ёш мичуринчиларнинг парник хўжалиги йилдан-йил кенгайиб, қиш фаслида ҳам помидор, бодринг сингари сабзавот экинларидан мўл ҳосил олинмоқда.

Ўтган йили Грузиядан 200 туп лимон кўчати келтирилган эди. Лимонлар табиатшунос олим И. В. Мичурин таълимоти асосида экилди. Ўқувчилардан Акмал Мажидов, Карим Эгамбердиев, Кудрат Одилов ҳосилга кирадиган бу лимонларни яхши парвариш қилаётирлар.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

Шоир Ғайратий билан учрашув

Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг студентлари шоир Ғайратий билан учрашув кечаси ўтказдилар. Кечада аспирант М. Шарипов Ғайратийнинг ижоди ҳақида доклад қилди. Шундан сўнг студентлар шоирнинг «Хайр, Арашон», «Янгиер шаҳри», «Она», «Улуг партиям» каби шеърларини ўқиб бердилар.

Учрашувда шоир Ғайратий келгусидаги ижоддий планлари ҳақида сўзлаб берди. У Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига ўзининг «Ҳамза», «Унутилмас кунлар» повестлари, «Танланган асарлар» тўпламини совға қилажагини айтди. Сўнгра Ғайратий кеча қатнашчиларига «Шоирнинг ўлими» номли поэмасидан парча ўқиб берди.

Учрашув студентларда катта таассурот қолдирди.

М. ҚУЧКОРОВ, С. ҲАЙДАРОВ.

Маданият хроникаси

Бўстонлиқ районидаги Товоқсой поселкасининг кутубхонасида ёзувчи Галина Николаевнанинг «Йўлдаги жанглар» романи муҳокамасига бағишланган конференция ўтказилди. Конференция қатнашчилари китобнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар. Конференция китобхонларда яхши таассурот қолдирди.

З. Туркменов.

Верхне-волинск районидаги 1-ўрта мактабда қишлоқ совети ёрдами билан 60 бола учун мактаб-интернат ташкил қилинди. Ўқувчилар Верхне-волинск қишлоқ совети бюджети ҳисобига озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланмоқдалар.

А. Икромов.

Оҳангарондаги 3-тоғ-техника билим юртининг ўқувчилари шаҳардаги кўмир разрезида икки ҳафта практикада бўлдилар. Икки группага бўлинган экскаваторчилар ва бир группа парма ловчи мастерлардан иборат 80 га яқин ўқувчи очиқ кўмир кони ишида, кўмир қатламларини очишда иштирок этиб, кончиларга катта ёрдам кўрсатди.

М. Ҳамдамов.

Чиноз районидаги Пушкин номли ўрта мактабда, «М. Горький ҳаёти ва ижоди» деган темада адабий кеча ўтказилди. Кечада «Горькийнинг ижоди», «Она» романидаги Павел Власов образига характеристика темаларида докладлар тингланди.

К. Довурбоев.

ҲОДИСА

„Олтин“ билак узук

Жанубий Қозоғистондан Чирчиқ шаҳридаги қариндошларинникига меҳмон бўлиб келган Шибаева ва Калайчиде ўз уйларига қайтатуриб бола-чақага совға олиш учун Тошкентнинг Октябрь совет-колхоз бозорига келишди. Бозорга киравериш-даги дарвоза олдида турган новча эркак киши билан баҳслашиб турган ўрта ёшлардаги бир аёл уларнинг диққатини жалб қилди. Улар баланд овоз билан гапириб, атрофга тез-тез олазарак бўлиб қараб қўйишади.

— Ёмон узук эмас, — деди новча киши, — лекин мен ҳам шунга яраша пул бераяпман-ку. Икки минг сўм-а. У охирги сўзини баланд овоз билан маъноли қилиб айтди.

— Пулдор одамга ўхшайсиз, — яна озгина қўшинг, — деди узук эгаси. — Бу қадимий олтин билак узук. Сотмас эдим-у, лекин сафарга чиқмоқчиман, пул керак.

Бу гапларни эшитиб турган Шибаева ва Калайчиде ҳалиги новча киши нарироқ кетгач, билак узук сотувчи хотиндан пойафзал магазинини сўрашди. Худди шу тобда бошқа бир ўрта бўйли аёл узук эгасига мурожаат қилиб қолди:

— Менга бир ярим минг сўмга берақолинг. Узугингиз-ку арзийди-я, лекин... Бир пас сабр қилинг бўлмаса, бирорта қўшнимдам қарз олиб келай.

Харидор хотин шу сўзларни айтиб узоқлашиши билан бояги новча киши яна пайдо бўлди.

— Ҳозир ҳаммаси ҳал бўлади, узукни мен оламан, — деди ва сал нарироқ бориб ниманидир ўйлаган бўлди.

— Мен бу кишидан жуда қўрқяпман, — пичирлади узук эгаси Шибаева билан Калайчидега. Сизлардан илтимос, унга узукни биз сотиб олдик десаларингиз... Ҳалиги аёл ҳам келиб қолар. Ушанга сотганим тинчроқ.

Аёллар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Менга қара, узукни чиндан ҳам ўзимиз сотиб олақолмайимизми? Никоҳ куни қизимга совға қиладим. — Шибаева ҳамроҳидан сўради. Калайчиде ҳам розн бўлди. Аёллар сумка ва чўнтакларини қоқлаб бор пулларини узукка бердилар. Бу ҳолдан узук эгаси бироз ўнгайсизланди шекилли аёлларга 50 сўмни қайтара туриб:

— Кўп марта сафарга чиққанман, йўлда оч кетиб бўлмайди, — деди.

Унинг бу «илтифоти» учун аёллар миннатдорчилик билдирдилар. «Қимматли совға» олганидан мамнун бўлиб, Шибаева ҳамроҳи билан энди вокзалга жўнамоқчи бўлиб турганида кутилмаган бир ҳодиса юз берди...

Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг оператив ходимларидан Шоносиров ва Ёқубов бу галати савдони бошидан-охиригача кузатиб турган эдилар. Буни узук эгаси ҳам, харидор ҳам пайқамаган эдилар. Милиция ходимлари шу зоҳотиёқ узук сотган аёлни 6-милиция бўлимига келтирдилар. Шибаева билан Калайчиделар ҳам улар билан бирга келдилар. Текшириш ва экспертиза натижасида бу «қимматбаҳо» билак узук мисдан эканлиги аниқланди. Фрибгар аёлнинг ким эканлиги ҳам маълум бўлди. Унинг исми Александра Иушина экан. Фрибгар аёл ва унинг шериги Борис Фельдман бундан илгари ҳам ана шундай жиноий ҳаракатлари учун бир неча марта суд қилинганлар ва якиндагина қамоқ жазосини ўтаб бўлганлар. Бироқ, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дегандек, улар яна фрибгарлик йўлига кирганлар.

Товламачилар жиноий жавобгарликка тортилди. Шибаева ва Калайчиделарнинг пуллари қайтариб берилди. Шундай қилиб милиция ходимларининг ҳушёрлиги туфайли ҳар кимга ҳам ишонаверадиган соддадил аёллар фрибгар тузоғига илинмай қолдилар.

Б. ЛАБУТИН, Ю. ВОЛОГИН.

Кўчат ўтқазиш ойлиги

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР XXX йиллиги» колхози аъзолари кўчат ўтказиш ойлиги ўтказишга қарор қилган эдилар. Шу кунларда улар қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини зўр ташкилий ишлар билан давом эттирмоқдалар. Йўл четларига, дала шийпонлари атрофига болалар яслиси, мактаб участкалари ва ариқ бўйларига турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Тошкент давлат кўчатзоридан 3000 туп терак ҳамда бошқа манзарали дарахт кўчатлари келтирилиб экилди. Бундан ташқари қариялар ташаббуси билан колхознинг ички йўл ёқалари ва ариқ бўйларига 4000 туп терак қаламча қилиб экилди.

Бундан ташқари 6 гектар ерга 10000 туп турли ток новдаси ҳам ўтказилди.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Чет Эллар да

ДЎСТОНА ЁРДАМ

ЖАКАРТА, 22 март. (ТАСС). Кредит ҳисобига етказиб берилаётган 10 та совет кемасини Индонезияга топшириш тўғрисида бугун Жакарта портида «Александр Радишчев» совет теплоходида акт имзоланди. Шундан сўнг байроқларни алмаштириш маросими бўлди.

Бу актни имзолаш маросимида Совет Иттифоқининг Индонезиядаги элчиси Д. А. Жуков нутқ сўзлаб, совет кемаларини Индонезияга сотиш тўғрисидаги аҳдномаларнинг имзоланиши Индонезия республикаси билан СССР ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги бош битимни амалда рўёбга чиқаришга негиз солди, деб айтди.

Индонезия денгиз йўллари министри Назир мамлакатнинг энг зарур эҳтиёжларини қондирмоқ учун Совет ҳукумати кемалар харид қилишга имконият берганлигини айтиб, бунинг учун ташаккур билдирди. Совет ҳукуматининг бу иши, деди Назир, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди. Совет ҳукумати, деди Назир, мамлакатимизга кемалар етказиб бериш масаласига жуда катта эътибор берди. Бу кемалар тез ва уюшқоқлик билан етказиб берилганлиги совет халқининг Индонезияга бўлган дўстлик ҳисларини кўрсатувчи далилдир. Биз буни юксак даражада қадрлаймиз, деди Назир.

Индонезия ташқи ишлар министри Субандрио маросимда сўзга чиқиб, Совет Иттифоқининг Индонезияга кемалар етказиб беришга тайёр эканлигига юксак баҳо берди ва бу кемалардан мамлакатни қайта қуриш эҳтиёжлари учун фойдаланамиз, деди.

ПОЛЬША КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ XIII ПЛЕНУМИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ВАРШАВА, 23 март. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг билдиришича, касаба союзлари Марказий кенгашининг XIII пленуми 22 мартда Варшавада ўз ишини тамомлаган. Пленум Польша Халқ Республикасида касаба союз ҳаракатининг навбатдаги вазифаларини муҳокама қилишга бағишланиб ўтказилди.

Пленум касаба союзлари Марказий совети президиумининг шу йил 14 апрелдан 19 апрелгача касаба союзлари съездини ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади ҳамда съезднинг кун тартибини тасдиқлаги. Пленумнинг касаба союзларининг 1958 йилдаги асосий вазифалари тўғрисидаги қарорида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети XI пленумининг қарорларини тўла равишда қўллаб-қувватланади. Пленум барча касаба союз ташкилотларини Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети XI пленумининг қарорларини бажариш учун дарҳол тадбирлар кўришга чақирди.

Тинчлик учун кураш тўғрисида пленумда қабул қилинган резолюцияда Польша касаба союзлари коммунистик ва ишчи партияларнинг Тинчлик манифестини қизғин табриклайдилар. деб таъкидланади. «Биз, — дейилади сўнгра резолюцияда, — Польша ҳукуматининг Марказий Европада атом қуролидан холи бўлган зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини қуролсизланишга ва давлатлар ўртасида битимга эришишга қаратилган қадам деб мамнуният билан қўллаб-қувватлаймиз».

ЮГОСЛАВИЯДА САЙЛОВ

БЕЛГРАД 23 март. (ТАСС). Бугун Югославия Федератив Халқ Республикасида иттифоқ халқ скупшчинасининг иттифоқ вечесига ва ҳамма олти республиканинг халқ скупшчиналари республика вечеларига сайлов ўтмоқда. Сайловчиларнинг умумий сони 11.337.000 киши. Иттифоқ вечесига 301 депутат, Сербия, Хорватия, Словения, Босния ва Герцеговина, Черногория ва Македония халқ скупшчиналари республика вечеларига 810 депутат сайланиши лозим.

ТАНЮГ агентлигининг хабар беришича, овоз бериш эрталаб соат 7 да бошланган. Эрталаб дастлабки соатлардаёқ кўп гражданлар овоз бериб бўлди. Аҳоли яшайдиган айрим пунктларда овоз бериш эрталаб соат 9 гача тамом бўлди.

Иттифоқ халқ скупшчинасининг ишлаб чиқарувчилар вечесига сайлов, шунингдек республика халқ скупшчиналари ишлаб чиқарувчилар вечеларига сайлов 26,27 ва 28 мартда ўтказилди.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ Д. ХАММАРШЕЛЬД МОСКВАГА КЕЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Даг Хаммаршельд 24 мартга ўтар кечаси Москвага келди.

Внуково аэродромида Д. Хаммаршельдни СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёрдам берувчи СССР уюшмаси Марказий правлениесининг раиси академик А. В. Топчиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

МУҒУЛИСТОН ХАЛҚ-РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XIII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

УЛАН-БАТОР. 22 март. (ТАСС). Мўғулистон Халқ-Революцион партиясининг XIII съезди бугун ўз ишини тамомлади.

Кечки мажлисда Мўғулистон Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан қарор ҳамда Марказий ревизия комиссиясининг доклади юзасидан резолюция қабул қилинди. Мўғулистон Халқ Республикаси Халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришнинг 1958-1960 йилларга мўлжалланган уч йиллик плани юзасидан директивалар тасдиқланди.

Съезд Мўғулистон Халқ-Революцион партиясининг Уставига киритилган баъзи ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам резолюция қабул қилди.

Шундан кейин партия марказий органларига бугун эрталаб ўтказилган сайлов натижалари эълон қилинди. Марказий Комитетга 75 аъзо ва Марказий Комитет аъзолигига 47 кандидат сайланди. Мўғулистон Халқ-Революцион партияси Марказий Комитети аъзолигига сайланганлар орасида Бальжинням, Дамба, Дамдин, Дугэрсурэн, Самбу, Суренжаб, Цеденбал, Цэнд ва бошқа ўртоқлар бор.

Раислик қилувчи ўртоқ Д. Дамба қилинган ишларни якунлаб айтдики, съезд партиянинг ташкилий ва идеологик жиҳатдан ўсганлигини, унинг омма билан алоқалари кенгайганлигини, партия сафлари илғор ишчилар ва чорвадорлар ҳисобига, интеллигенциянинг энг яхши намояндалари ҳисобига мустаҳкамланганлигини намойиш қилди. Съезд партиянинг ҳар қачондагидан кўра кўпроқ монолит ва бирлашган эканлигини кўрсатди.

Ўртоқ Дамба съездга ўз делегацияларини юборган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Хитой Коммунистик партиясига ҳамда бошқа мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партияларига уларнинг табрикларида Мўғулистон Халқ-Революцион партияси ва мўғул халқи номига айтилган самимий сўзлари учун ташаккур изҳор қилади.

«1958 ЙИЛ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ИШИДА КАТТА ЮТУҚЛАР КЕЛТИРАДИ»

(Ф. Жолио-Кюри билан суҳбат)

АФИНА, 23 март. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раиси профессор Фредерик Жолио-Кюри «Авги» газетасида эълон қилинган суҳбатда, жаҳон халқлари атом билан зўр бериб қуролланишга қарши, ракета базалари вужудга келтирилишига қарши, қуролсизланиш ва халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлиши учун курашни кучайтиришлари керак, деди. У НАТО кенгаши Париж сессиясининг ракета базалари вужудга келтириш тўғрисидаги қарори халқаро аҳволни чатоқлаштиришга ёрдам беради, деб қайд қилди. «Европада ракета базалари вужудга келтириш планлари, водород бомбалари ортилган реактив самолётларнинг турли мамлакатлар устида тўхтовсиз учиб юриши, — деди Жолио-Кюри, уруш хавфини кучайтиради».

Жолио-Кюри уқтириб айтдики, кўпгина парламентлар ва ҳукуматлар ядро қуроли синовларини тўхтатиш кераклигини айтиб, ракета базалари вужудга келтиришга қарши фикр билдирдилар. Европада атом қуролидан холи бўлган зона вужудга келтириш планини жамоатчилик ва сиёсий арбоблар кенг равишда қўллаб-қувватладилар. «Жамоатчилик, деди Жолио-Кюри, тарозининг палласини қуролсизланиш ва давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш томонига қараб босиши мумкин. Жаҳон Тинчлик Кенгаши шу йилда ҳаракат қилиб, қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик масаласига бағишлаб, 16-22 июлда конгресс чақиришга қарор қилди. Бу конгресс барча тинчлик тарафдорларига фикр олишиш ва ишлати тажрибаларини бир-бирларига айтиб бериш имкониятини беради. Тинчлик ишининг галаба қозониши учун бутун дунё халқларининг иродасини ифодалашга имкон берадиган йўл топиш керак. Мен аминманки, 1958 йил тинчлик учун кураш ишида катта ютуқлар келтиради».

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ Руминия Халқ Республикаси Давлат сиёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленин Асарларининг 34-томини румин тилида нашр этди.

◆ Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Руминия Халқ Республикасининг Министрлар Совети раиси Киву Стойка бошчилигида Руминия Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси расмий визит билан Ханойга келди.

◆ Будапешт матбуотида Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг мамлакат аҳолисига қарата чиқарган мурожаати эълон қилинди. Ҳукумат бу мурожаатида Венгрия меҳнаткашларини турмушнинг ҳамма соҳаларида тежашга чақиради.

◆ Москва давлат цирки артистларининг Қоҳирадаги гастроли тамом бўлай деб қолди. Бу ерда ҳозиргача 60 дан ортиқ тамоша кўрсатилди. Тамошаларнинг ҳаммаси зўр муваффақият билан ўтди. Москва циркининг артистлари ҳозиргача Искандарияда 24 марта тамоша кўрсатдилар. Совет артистларининг кўрсатган тамошаларини 300 мингга яқин киши тамоша қилди.

◆ Швециянинг Несше шаҳрида (Жанубий Швеция) Свердловск шаҳри совет командаси билан Несше қучайтирилган командаси ўртасида каптокли хоккей бўйича учрашув бўлди. Совет спортчилари 5:4 ҳисоби билан ютиб чиқдилар. 23 март. (ТАСС).

ЧАЙКОВСКИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО КОНКУРСДА СКРИПКАЧИЛАР КОНКУРСИ БИРИНЧИ ДАВРАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ

Пианиночи ва скрипкачиларнинг П. И. Чайковский номидаги халқаро конкурси жюриси скрипкачилар конкурсининг биринчи давраси якунларини тўплади.

Конкурснинг иккинчи даврасида: Валентин Жук (СССР), Жойс Флисслер (АҚШ), Тануэл Варужан Козигян (Руминия Халқ Республикаси), Виктор Пикайзен (СССР), Ян Бинсун (Хитой Халқ Республикаси), Эмил Стефанов Камилларов (Болгария Халқ Республикаси), Марк Лубоцкий (СССР), Зариус Шихмурзаева (СССР), Лин Кэ-хан (Хитой Халқ Республикаси), Штефан Руха (Руминия Халқ Республикаси), Жан Тер-Меркерян (СССР), Вильфред Леман (Буюк Британия), Пяк Ко Сан (Корея Халқ-Демократик Республикаси), Нина Бейлина (СССР), Виктор Либерман (СССР), Мари Берил Кимбер (Австралия), Георгий Бадев (Болгария Халқ Республикаси), шунингдек совет скрипкачиси Валерий Климов қатнашадилар.

Иккинчи давра 24 мартда бошланиб, уч кун давом этади. (ТАСС).

ЖАҲОН ШАХМАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАСИДА

В. Смислов билан М. Ботвинник ўртасида жаҳон шахмат биринчилиги учун бўлаётган матчнинг 22 мартда Москва Концерт — театр залида еттинчи ўйинни ўйналди.

Кескин ва қизиқарли бўлиб давом қилган қисқа курашдан кейин гроссмейстерлар 16-юришда ўйинни дуранг қилишга рози бўлдилар.

Қора доналар билан ўйнаган Ботвинник шу ўйиндан кейин 5 ютуққа эга бўлди. Смислов эса 2 ютуққа эга. Жаҳон шахмат биринчилиги учун бўлаётган матчнинг навбатдаги саккизинчи ўйини 25 марта ўйналади. (ТАСС).

УРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА «ПАХТАКОР» ҒАЛАБА ҚИЛДИ

Ўтган якшанба куни Тошкентда «Пахтакор» футболчилари Олмаота шаҳрининг «Қайрат» командаси билан учрашдилар. Бу ўртоқлик учрашувнинг биринчи минутлариданоқ олмаоталиклар моҳирлик билан ўйнадилар. Меҳмонларнинг ярим ўрта ҳужумчиси тошкентликлар дарвозасига биринчи тўпни киритиб, ҳисобни очади. Шундан сўнг, 11 метрдан штраф тўпни тепиб пахтакорчи Мақсудов ҳисобни тенглаштиради. Биринчи тайм охирлаб қолганда «Пахтакор»нинг чап қанот ҳужумчиси Боркин меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритади. Иккинчи таймда ҳар икки команда ҳар қанча уринмасин ҳисоб ўзгармади. Ўртоқлик учрашувида 2:1 ҳисоби билан «Пахтакор» командаси ғалаба қилди.

М. МИРЗАҚОБИЛОВ.

Телевизор экранида

25 МАРТДА

19.30 Ҳужжатли фильм.

19.50 Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театридан «Олтин кўл» спектакли олиб берилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/III да **Отелло**, 26/III да кундуз ва кечқурун **Жазоир, менинг ватаним!**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/III да кундуз **Чио-Чио-Сан**, кечқурун **Кармен.**

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги музикали кинокомедия **Адрессиз қиз.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 ярим, 11-20 минут, кундуз 1-15 минутда **Волочаевка кунлари**, кундуз 3 дан **Адрессиз қиз.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

Ленин орденли СССР Академик Большой театр солисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Виталий Игнатьевич КИЛЬЧЕВСКИЙ

ва Новосибирск опера ва балет театрининг солисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Марина Степановна КАРПИНЧИКЛАРНИНГ

хайрлашув гастроли

25/III да — **Риголетто.**

27/III да — **Травиата.**

Кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

25 ва 26 мартда

Бурят-Мўғулистон

АССР ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Бурят-Мўғулистон АССРда хизмат кўрсатган артист **М. Арсеньев**, постановкачи режиссёр — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Г. Ц. Цидинжапов.**

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан

27 мартда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Муккаррама Турғунбоева, Фотима Борухова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Мавлуда Аъзамова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харротов, Мирза Тоиров**, филармония солистлари ва «Баҳор» рақс» ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 ярим-да бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЕМИ

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ

Бу заём бўйича ҳар йили олти марта асосий ва бир марта қўшимча ютуқлар тиражи бўлади.

Асосий тиражларда 50.000, 25.000, 10.000, 5.000, 1.000 ва 400 сўмлик ютуқлар, қўшимча тиражларда эса 100.000 сўмлик ютуқ ҳам ўйналади.

Ҳар бир асосий тиражда 51 миллион 152 минг 200 сўмлик 93500 ютуқ ўйналади.

Навбатдаги ютуқлар тиражи 1958 йил 30 мартда ўтказилади.

Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.

Тошкент область Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

26 мартдан 30 мартгача мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

БОЛАЛАР УЧУН КАТТА

цирк тамошалари

Тамошалар кундуз соат 3 да бошланади. 30/III да эса кундуз 1 ва 4 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими— 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00931. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонн сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси. № 5-437.